

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 14 сентябрь, № 200 (8262) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни Самарқандга келди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини ҳам зиёрат қилди.

Айни кунларда Самарқанд улкан сиёсий воқеалар тараддудида. Бугундан олий даражадаги ташрифлар бошланади. 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Жорий йилнинг 22 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ–6314-сон Фармонига мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш имконини берувчи "Ягона давлат назорати" ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, назорат қилувчи органлар томонидан **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб**:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида **рўйхатга олинади**. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг **натижалари** ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида **маълумот** текширув ёки профилактика тадбирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда "Ягона давлат назорати" ахборот тизимига **киритилади**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) назорат қилувчи органлар:

"хавфни таҳлил этиш" тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида **10 иш куни олдин тадбиркорлик субъектини** хабардор қилади;

тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга **ҳақли эмас**;

тадбиркорлик субъектлари учун **профилактика тадбирларини** Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа-графиклар асосида **тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда** семинарлар, оммавий муҳокамалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, "очиқ эшиклар куни" тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклларида **амалга оширади**;

б) тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига **қўймаслик ҳуқуқига эга**:

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ АЪЗОСИ ВА ШҲТНИНГ МАРКАЗИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётган **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик"** сарлавҳали концептуал мақоласига халқаро миқёсдаги ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ўз муносабатларини билдиришда давом этмоқда.*

### Дунё нигоҳи



**Адам МАРШАЛАК, «Marshalak Holding» нашриёт маркази президенти, Осиё Конгресси ташкилотчиси, профессор (Польша):**

— Бу йил Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилмоқда. Ўзбекистон ташкилотга ўз раислиги доирасида тадбирларни қандай ташкил этиши ва ўтказишини кузатар эканман, уни бир неча сўз билан мухтасар тавсифлашим мумкин: ваколат, қизиқиш, прагматизм ва профессионаллик.

ШҲТ мамлакатлари аҳолиси дунё аҳолисининг ярмини ташкил қилади ва ташкилотнинг минтақавий хавфсизликни ўрнатишдаги роли эса тобора ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги ролида ижобий акс этмоқда. Ва албатта, Президент Шавкат Мирзиёев бу ўзгаришлар марказида турганини ҳамма теран тушунади. Бу, айниқса, ШҲТ мисолида кўзга яққол ташланади.

Бугунги кунда ШҲТ Марказий Осиё ва субминтақада барқарорлик ва иқтисодий тараққиётнинг тўлақонли кафолатидир. Шу билан бирга, ташкилот ШҲТ саммитлари кун тартибидан жой топадиган хавфсизлик масалаларини тўлиқ ишлаб чиқмоқда. Улар, биринчи навбатда, иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, экологик, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Аввало, биз транспорт ва логистикани ривожлантириш, "яшил энергия", инновация, рақамли иқтисодиёт, аъзо мамлакатлар ўртасидаги саноат ҳамкорлиги соҳасидаги лойиҳалар ҳақида гапирамиз. Бундан ташқари, ШҲТ терроризм билан трансчегаравий қарама-қаршиликнинг жиддий масалаларини ҳал этишга, киберхавфсизлик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга тобора кўпроқ кўмаклашмоқда.

Шу тариқа Ўзбекистон тобора халқаро муносабатларнинг масъулиятли аъзоси ва ШҲТнинг марказий иштирокчиларидан бирига айланиб бораётгани ҳолда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида ҳақли равишда ташкилотнинг ўзагига кириб боряпти. Ишончим комилки, Самарқанд платформаси ШҲТга ижобий таркибий, асосли ва ташкилий ўзгаришларни олиб киради. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ШҲТга раислиги белгилаб берган, ШҲТ маконида барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган устувор вазифалар муваффақиятли амалга оширилаётир.



**Аҳмад ТОҲИР, «Ҳивар» сиёсий тадқиқотлар маркази директори (Миср):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақоласи Миср таҳлилчилари доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Унда минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ва нуфузини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан Президентнинг прагматик қарашлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон раҳбари айнан ўз вақтида таъкидлаганидек, фақат конструктив мулоқот ва кўп томонлама ҳамкорлик орқали дунёдаги ўта хавфли вазиятдан чиқиб кетиш мумкин. Давом этаётган қуролли низолар, озиқ-овқат ва энергетика инқирози, иқлим ўзгариши ва бошқа муаммолар ўзаро боғлиқлик дунёсида юз миллионлаб одамлар учун муқаррар хавф туғдиради.

➔ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**13 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"-ги Конституциявий қонуннинг 9 ва 15-моддаларига ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Мурат Каллибекович Камалов Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилди.

Аманбай Тлеубаевич Оринбаев Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Бу борада Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Навоий ва Самарқанд вилоятларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Навоий ва Самарқанд вилоятларида "Ҳоким ёрдамчиси", "Ёшлар етакчиси" ва "Хотин-қизлар фаоли" тизимидан самарали фойдаланиш ҳисобига ишсизликни камайтириш борасида муайян натижаларга эришилган. Хусусан, қарийб 120 минг ишсизларга меҳнат органлари томонидан бандлик хизматлари кўрсатилган, 31 минг нафар фуқаро бўш иш ўринларига жойлаштирилган.

Навоий вилоятида 39,8 минг ва Самарқанд вилоятида 88,9 минг фуқаро 70 та фаолият йўналишида ўзини ўзи банд қилган.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига Навоий вилоятида 3,7 минг ва Самарқанд вилоятида 8,3 минг ишсиз жалб қилиниб, уларга 15,8 миллиард сўм иш ҳақи тўлаб берилган.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида Навоий вилоятида қарийб 750 нафар фуқарога 3,5 миллиард сўм ва Самарқанд вилоятида 2,3 мингдан ортиқ фуқароларга 3,1 миллиард сўм субсидия ажратилган.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, шаҳар ва туманларда янги иш ўринларини яратишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилиб, мазкур йўналишга оид Сенат Кенгаши қарорлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Хусусан, соҳа ва тармоқларда яратиладиган иш ўринлари ва уларнинг манзилли рўйхати, тадбиркорлик фаолияти учун ажратиладиган субсидиялар, режалаштирилган меҳнат ярмаркалари тўғрисидаги ахборотлар ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилмаган.

Иш ўринлари тўғрисидаги умумий ҳисоботни шакллантиришда такрорланувчи рақамларни чегириб ташлаш, солиқ органи ва Ягона миллий меҳнат тизими электрон маълумотлари базасига мувофиқлигини таъминлаш ишлари охирига етказилмаган.

➔ 4-5

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон — Россия:

## ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15-16 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташриф буюради.*

*Россия етакчиси Самарқандда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашади.*



Россия Федерацияси билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Жорий йил икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида Тошкент ва Москва биргаликда ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга, икки мамлакат халқларини боғловчи кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Сўнгги йилларда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги яқин ва ишончли мулоқотлари, шахсий алоқалари туфайли давлатлараро муносабатлар изчил равнақ топиб, тобора чуқурлашиб бормоқда.

➔ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР УФҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий 14 — 16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.*



Эрон етакчиси Самарқанд шаҳрида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон — Эрон муносабатларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янги мазмун касб этиб, тобора чуқур илдиз отиб бормоқда. Икки давлат етакчиларида ўзаро муносабатлар даражасини замон талабларига мос равишда юксалтиришга бўлган кучли ирода мавжуд.

Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида ўзаро алоқалар турли жабҳаларда равнақ топиб бормоқда. Кейинги йилларда томонлар ўртасида олий даражадаги, сиёсий, парламентлараро, маданий ва иқтисодий жабҳаларга мутасадди раҳбарларнинг ўзаро ташрифлари кўпайгани, савдо-иқтисодий айирбошлаш ҳажми ошгани бу фикрни тасдиқлайди.

➔ 2

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти:

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### Акс садо

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласида *"Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айтамизки, ШҲТнинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади. Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муросага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади",* дея қайд этди.

Шунингдек, мақолада *"Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. "Самарқанд руҳи" деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШҲТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин. Аслини олганда, "Самарқанд руҳи" бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган "Шанхай руҳи"ни уйғун равишда тўлдириб туради",* дейилади.

➔ 3



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

*Шу билан бирга, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг жавоби атрофлича муҳокама қилинди. Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг шу йил ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.*

➔ 5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда;

текширув белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганида;

улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортганида;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб** назорат қилувчи органларга “Ягона давлат назорати” ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш **тақиқланади**.

4. Адлия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва назорат қилувчи органлар билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар давлат назорати функциялари ва текширувларни қисқартириш** бўйича таклифларни Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгашига киритсин.

5. Назорат қилувчи органлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

**бир ой муддатда** тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда мажбурий талаблар рўйхатини;

мажбурий талаблар ўзгарган тақдирда, ўзгартириш киритилган санадан бошлаб **бир ҳафта муддатда** янгиланган мажбурий талаблар рўйхатини тақдим этсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ–6314-сон Фармони талабларига мувофиқ, “Ягона давлат назорати” тизимида давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрлари лозим даражада (долзарб) ва барча учун очиқ ҳолатда юритилишини таъминласин.

7. **Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибини, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқласин.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Қосимов ҳамда назорат қилувчи органлар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 сентябрь

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ АЪЗОСИ ВА ШҲТНИНГ МАРКАЗИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

1

Шу нуқтаи назардан, Самарқанд саммити барқарорликни сақлаш ва “ШҲТ оиласи”нинг кенг майдонида янада салмоқли тараққиётга эришиш йўлларини илгари суриш билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш учун ноёб имкониятни яратади. Ишончим комилки, мақола билан танишув бутун дунё пойтахтларига, шу жумладан, Яқин Шарқ етакчиларига Самарқандда бўлиб ўтадиган саммитнинг асосий мазмун-моҳиятини теран идрок этишга кўмаклашади. Бу нафақат Евроосиё қитъасида, балки бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун ҳар томонлама ҳамкорликка даъватдир.

**Ривен Д’СУЗА, Хейла ал-Мекейми университети профессори, “Таймс Кувейт” газетасининг бош муҳаррири (Кувайт):**



— Мақолада дунёнинг ҳозирги ҳолати мазмунли ва мухтасар ифодалаб берилган, глобал даражадаги геосиёсий ва геоиқтисодий тенденцияларга жиддий эътибор қаратилган бўлиб, қарама-қаршилик ва “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини келтириб чиқаришга қарши туриш моҳияти ўз ифодасини топган.

Қолаверса, Ўзбекистон раҳбари тенглик, ишонч, ўзаро англашув ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ҳар томонлама халқаро ва минтақалараро конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди.

Шу муносабат билан Президент кўп томонлама институтларсиз ҳар бир инсон манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни амалга ошириш имконсиз эканлигини таъкидлаган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон етакчиси дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига асосий эътиборни қаратади.

Мақолада ШҲТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибадорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик эканлиги алоҳида таъкидланган.

ШҲТ тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида диққатга сазовор тузилмага айланди. Шу боис бугунги кунда араб дунёсидаги бир қатор давлатлар — Миср, Қатар, Саудия Арабистони, Баҳрайн ШҲТнинг мулоқот бўйича шерик мақомини олишга интилмоқда.

Ишончим комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммити жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги янги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда тарихий воқеа бўлиб қолади. “Самарқанд руҳи” феномени остида ўтадиган бўлажак саммит Ўзбекистоннинг таъсири ва мамлакат раҳбарининг халқаро сиёсатчи сифатидаги обрўси ошиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлади.

**«Дунё» АА.**

## Ўзбекистон — Россия:

# ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1

Йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли шартномалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель ва 2021 йил 19 ноябрь кунлари Россия Федерациясига давлат ва расмий ташрифлари, шунингдек, Президент Владимир Путиннинг 2018 йил 18-19 октябрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожидаги тарихий воқеалар бўлди.

Ушбу ташрифлар якунида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда жами 90 га яқин битим ва шартномалар имзоланди.

Тошкент ва Москва Марказий Осиё минтақасида ва умуман, МДҲ маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан, глобал муаммоларни ҳал этиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича бир-бирларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан манфаатдордир.

Ҳозирги кунда парламентлар ва минтақалар йўналишида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Томонлар барча даражада қизғин ва кенг кўламли мулоқот олиб бормоқда. Хусусан, Бош вазирлар даражасидаги қўшма комиссия, ҳукуматлараро комиссия ва унинг қуйи комиссияларидан иборат ҳамкорликнинг уч даражали ноёб тизими шакллантирилди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида самарали мулоқот тизимли равишда ривож топмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнлари икки томонлама иқтисодий муносабатларга янги суръат бахш этди.

Савдо айланмасининг ўсиши муваффақиятли ҳамкорликнинг далилидир: 2021 йилда Россия Ўзбекистоннинг ўзаро савдо бўйича биринчи шеригига айланди: унинг ҳажми деярли 7,5 миллиард долларга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 5 миллиард доллар бўлди. Келгусида ўзаро савдо кўрсаткичларини 10 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда 2,5 мингдан ортиқ Россия компаниялари ва қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган Россия инвестициялари 10 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 600 дан ортиқ компаниялар рўйхатга олинган.

Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари ўртасида янги алоқаларни ўрнатиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда: ўзаро бизнес миссиялари, форумлар, саноат кўргазмалари ва бошқа қўшма тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 25 март куни бўлиб ўтган Тошкент инвестиция форуми ва 25 апрель куни пойтахтимизда ташкил этилган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” кўргазмасида Россия вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев делегациялар раҳбарларини — Россия иқтисодий ривожланиш вазири Максим Решетников ҳамда саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда минтақалараро алоқаларни кенгайтириш йил сайин тобора муҳим аҳамият касб этаётир. Бу жараёнда кичик ва ўрта бизнес бўйича ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойида ташкил қилинган “Ўзбекистон — Россия” минтақалараро ҳамкорликнинг иккинчи форуми муваффақиятли ўтди.

Маданий-гуманитар соҳадаги ришталар ҳам самарали ривожланмоқда. Сўнгги 4-5 йил ичида Ўзбекистон ва Россия ўртасида олий таълим соҳасидаги шерикликни ривожлантиришни муҳокама қилиш учун бир нечта икки томонлама платформалар ташкил этилди. Бунга мисол тариқасида Россия ва Ўзбекистон университетлари ректорларининг минтақалараро конференцияси ҳамда Ўзбекистон — Россия таълим форумини келтириш мумкин.

2018 — 2021 йиллар давомида ўтказилган таълим форумлари натижасида Ўзбекистонда Россия таълим муассасаларининг 12 та янги филиали очилди. Умуман олганда, бугунги кунда уларнинг сони 15 тага етиб, уларга қабул қилинган ўзбекистонлик талабаларнинг сони 6 мингдан зиёдни ташкил этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 31 та таълим муассасасида Россиянинг 48 та университети билан қўшма ўқув дастурлари (“икки томонлама дипломлар”) бўйича тренинглар олиб борилмоқда.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари физика, кимё, материалшунослик, спектроскопия, астрономия ва астрофизика каби фанларни қамраб олган.

Ўзбекистон ва Россия университетларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи ва талабалари ҳар икки томондан ташкил этиладиган ўқув, илмий-техник ва маданий (*конференциялар, тренинглар, симпозиумлар, малака ошириш курслари, амалиётлар*) ҳамда бошқа тадбирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Тошкентда Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирувчиларининг V халқаро форуми, шунингдек, Самарқандда “Валдай” халқаро мунозара клуби (ХМК)нинг X Осиё конференцияси ҳамда пойтахтимизда “Валдай” ХМК ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг конференцияси муҳим воқеалар бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2017 йилдан буён Россия ва Ўзбекистоннинг етакчи ташкилотлари ўртасида нейрохирургия, педиатрия, жарроҳлик, кардиология, онкология каби соҳаларни қамраб олган 50 дан ортиқ шартномалар имзоланди, университетлараро тиббий ҳамкорлик маркази ташкил этилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг 300 нафардан ортиқ тиббиёт мутахассислари Россиянинг бир қатор етакчи илмий-тадқиқот ва тиббиёт марказларида (*В. Шумаков номидаги Трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббий тадқиқот маркази, Н. Бурденко номидаги Бош ҳарбий клиник шифохонаси, Н. Блохин номидаги Онкология миллий тиббий тадқиқот маркази ва бошқалар*) малака ошириш курслари ва амалиётларни ўташди.

Шунингдек, россиялик таниқли мутахассислар юртимизга мунтазам равишда ташриф буюриб, маҳорат дарслари билан бир қаторда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиши ҳамда фуқароларимиз учун юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказишлари анъана тусига кирган.

Тошкентда Н. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети филиалининг ишга туширилиши бу йўналишдаги яна бир муҳим воқеа бўлади.

Соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари фаол қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон ва Россия театрларининг ижодий гастрол сафарлари, икки мамлакатнинг “Маданият кунлари” биргаликда ташкил этиб келинмоқда. Россиянинг ижодий жамоалари юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент халқаро кинофестивали каби маданий тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон ва Россия халқларининг фаровонлиги, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётда янги муваффақиятларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитни таъминлашдан ўзаро манфаатдорлик Ўзбекистон — Россия муносабатларининг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган стратегик шериклик янги уфқлар очиб, тобора мустаҳкамланади ва ривожланиб бораверади, дея комил ишонч билан айтиш мумкин.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР УФҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

1

Ўз навбатида, Эрон Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, икки мамлакат ўртасида қуруқлик, темир йўл ва ҳаво кенгликлари орқали транзит юк ташиш ҳажмлари ўсди. Энергетика, технологиялар, илм-фан ва университетлараро алоқалар каби янги соҳалардаги ришталар ривожланмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий асоси савдо, иқтисодиёт, транспорт, сайёҳлик, маданият, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишга оид 55 тадан ортиқ ҳужжатлардан иборат.

Мамлакатларимиз минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда. Томонларнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича қарашлари ҳам яқин. Ҳар икки давлат афғон муаммосини тинч ва дипломатик йўл билан ҳал этиш, Афғонистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциясини жадаллаштириш тарафдори. Ўз-ўзидан аёнки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида турли мезонлардаги мулоқотлар, мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги учрашувлар ҳатто коронавирус пандемияси даврида ҳам тўхтаб қолмади. Икки мамлакат Президентлари ўтган йил 17-18 сентябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги иштироклари доирасида учрашдилар. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида амалий ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот натижасида етакчилар савдо-иқтисодий алоқалар суръатини давом эттириш ва янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш мақсадида Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштиришга келишиб олдилар. Бундан ташқари, саноат кооперациясини кучайтириш истиқболлари ҳамда икки мамлакат транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари ваколатли идоралар даражасида пухта ўрганилиши белгилаб олинди.

2021 йил 28 ноябрь куни Туркманистон пойтахтида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ҳам Президент Шавкат Мирзиёев Президент Иброҳим Раисий билан музокаралар ўтказди. Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Икки томонлама савдо ҳажмини кўпайтириш, саноатда янги кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, мамлакатлар транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва маданий-гуманитар алмашув дастурларини илгари суриш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг институционал механизмларини фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари Афғонистондаги бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, минтақа кун тартиби ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Март ойида Эрон Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Шамхоний бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Эрон делегацияси давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди. Тошкент шаҳрида ўтган Хавфсизлик бўйича қўшма комиссия биринчи йиғилишининг амалий натижалари ижобий баҳоланди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда ушбу мамлакатдаги гуманитар инқирозни енгиб ўтишга зарур кўмак кўрсатиш чоралари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти жорий йил 19 июль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида кўп қиррали Ўзбекистон — Эрон муносабатлари кўламини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Илм-фан, инновация ва технологиялар соҳасида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Био ва нанотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Эрон муносабатларининг янги босқичи сари илдам қадамлар парламентлараро алоқаларда ҳам намоён бўлмоқда. Ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида парламентлараро дўстлик гуруҳи тузилди. Қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўзаро алоқаларда эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда парламент назоратини амалга ошириш имконини бермоқда.

Шерикликни янада жадаллаштириш ва янги уфқларни белгилаб олиш мақсадида парламент раҳбарлари даражасидаги ташрифлар мунтазамлик касб этмоқда. Эрон Исломий Кенгаш Мажлисининг раиси Муҳаммад Боқир Қолибоф бошчилигидаги делегация 13-14 июль кунлари юртимизга ташриф буюрди ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди.

Эрон парламенти делегацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, томонлар парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олди. Бу борада минтақавий ва халқаро парламентлараро ташкилотлар, жумладан, Осиё Парламент Ассамблеяси имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш назардан четда қолмади.

Шунингдек, жорий йил февраль ойида Теҳрон шаҳрида Ўзбекистон — Эрон савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг 14-йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумат делегацияси раҳбари Эрон Президенти Иброҳим Раисий томонидан қабул қилинди.

Унда Ҳукуматлараро комиссия платформасида транспорт ва логистика бўйича қўшма кичик қўмитани ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди. Унинг вазифаси Ўзбекистон, Эрон ва минтақа давлатлари ўртасида транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, янги кам харажатли йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда икки давлатнинг транспорт ва транзит салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича истиқболли таклифларни ўрганиш ҳамда шакллантиришдан иборат бўлади. Йиғилишда Ўзбекистон — Эрон ҳамкорлигини ҳар томонлама чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама аҳамиятга молик барча келишувларни қамраб олган қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва имзолашга келишиб олинди. Шунингдек, Ҳукуматлараро комиссия платформасида инвестициялар бўйича қўшма қўмитани ташкил қилиш тўғрисидаги битим ҳамда тадбир давомида эришилган ҳукуматлараро ва идоралараро барча келишувларни акс эттирувчи йиғилиш баённомаси имзоланди.

Сафар давомида Теҳрон шаҳрида Ўзбекистон — Эрон бизнес форуми ташкил этилди. Икки мамлакат ҳукумати ва ишбилармон доираларининг вакиллари қатнашган мазкур форумда инвестициялар жалб этишнинг энг истиқболли йўналишлари ҳамда Ўзбекистоннинг устувор тармоқлардаги сармоявий салоҳияти ва тайёр лойиҳа таклифларига доир тақдимотлар, шунингдек, “B2B” шаклидаги музокаралар ўтказилди. Форум якунлари бўйича Эрон ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида қиймати қарийб 200 миллион долларлик қатор инвестиция битимлари ва савдо шартномалари имзоланди.

Эрон билан транспорт ва транзит алоқаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Очиқ денгиз ва океанларга чиқиш имконияти йўқ Ўзбекистон учун Форс кўрфази бандаргоҳлари стратегик аҳамиятга эга. Бу мақсадга эришиш учун Эрон портлари хавфсиз ва қисқа йўналишдир.

Ўзбекистон томони, шунингдек, Эроннинг “Киш”, “Чобаҳор”, “Арас” эркин иқтисодий зоналари ва мамлакатимиздаги “Навоий” ҳамда “Ангрен” ЭИЗлари ўртасида саноат кооперацияси асосида муваффақиятли ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини муҳокама қилмоқда.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон — Эрон ўртасидаги савдо кўрсаткичлари ва кооперация лойиҳалари сони ҳам ортиб бормоқда. 2021 йил ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2020 йилдагига нисбатан 75 фоиз ўсгани ҳолда 430 миллион долларни ташкил этди. Жорий йил бошидан эса бу кўрсаткич яна 25 фоизга ошган. Албатта, бу рақамлар икки томонни ҳам қониқтирмайди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш орқали савдо алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Томонлар, шунингдек, савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва соддалаштириш мақсадида 1993 йилда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида имзоланган “Имтиёзли савдо тўғрисида”ги битимнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни режалаштирмоқда.

Қайд этиш жоизки, савдо-иқтисодий, транспорт йўналишида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун ҳар икки томонда юқори салоҳият мавжуд.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқаларни янги босқичга кўтариш мақсадида ҳар иккала давлат ташқи сиёсат маҳкамалари фаол ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида Ўзбекистон — Эрон сиёсий маслаҳатлашувлари ўтказиб келинмоқда. Ана шундай учрашувларнинг 6-давраси 2021 йил 7 — 10 март кунлари Теҳронда бўлиб ўтди.

Теҳрон шаҳрида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов иштирок этди ва қатнашчиларни қутлаб, ушбу сана муносабати билан эзгу тилакларини изҳор қилди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари ташрифи давомида, шунингдек, Эрон ташқи ишлар вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Меҳди Сафари билан музокаралар ўтказди. Мулоқотлар натижасида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида қатор тадбирларни ташкиллаштиришга келишиб олинди. Бу минтақавий ва халқаро сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашиш имконини бериши қайд этилди.

Форумда қўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш борасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, изланиш ишлари ва венчур ташаббусларини молиялаштиришга хусусий секторни жалб қилиш, олий таълим муассасалари ўртасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш, био ва нанотехнологиялар, АКТ соҳаларида, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Эрон компаниялари маҳсулотлари кўргазмаси ҳам уюштирилди. Унда Эрон томонидан тиббиёт, чорвачилик, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда фаолият юритадиган 35 та етакчи инновацион компания маҳсулот ҳамда лойиҳалари билан қатнашди. Мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, тиббиёт, ахборот технологиялари, озиқ-овқат саноати каби йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида кўргазма доирасида “B2B” шаклидаги учрашувлар ҳам ўтказилди. Форум сўнгида хорижий ва маҳаллий ташкилотлар вакиллари ўртасида бир қатор шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик асрлар давомида шаклланиб келган. Бугунги кунда икки халқ замонавий маданиятларини тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгайиб бораётир. Жумладан, эронлик маданият намояндалари юртимизда ўтказилаётган халқаро фестивалларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Хусусан, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ва Халқаро мақом санъати анжуманида эронлик санъаткорларнинг иштирокини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек, Қўқонда ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивалида ҳам Эрон ҳунармандлари фаол қатнашмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Эрон билан барча даражадаги фаол мулоқотни давом эттирмоқда ва мустаҳкамламоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик муносабатларнинг вақт синовидан ўтган тарихида янги истиқболларни очмоқда. Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музокаралари якунлари бўйича икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бағишлайдиган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Дунё» АА.**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти:

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Дунёда берилаётган эътибор ва фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ШҲТ қисқа вақт ичида, яъни 21 йилда нуфузли халқаро тузилмага айланди. Аъзо ва кузатувчи мамлакатлар билан қўшиб ҳисоблаганда, дунё аҳолисининг ярмини бирлаштираётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қандай тарихий йўлни босиб ўтди? Ташкилотнинг концепция ва ташаббуслари дунё ҳамжамиятида қандай из қолдирди? Кузатишларимиз шулар ҳақида.

## Маслаҳат форматидан давлатлараро платформага айланиш йўли

XXI аср жаҳон иқтисодиётида мисли кўрилмаган туб ўзгаришлар, глобал ислоҳотлар, интенсив янгиланишлар, инновацион ривожланишлар билан кечмоқда. Тақдирни билимлар, юқори интеллект ҳал қилаётган даврда ушбу жараёнлар глобал ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим босқичи сифатида ўзини намоён этмоқда. Шунга мувофиқ, бугунги кунда жаҳонда янгидан-янги интеграцион гуруҳлар вужудга келмоқда, мавжудларида замон талабларига мувофиқ ҳолда фаолият кўлами ва йўналишларида ўзгариш ва янгиланишлар жорий этилишига эҳтиёжлар сезилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти юқорида қайд этилган шарт-шароитлар таъсири остида XX аср охирида вужудга келган бўлиб, ўтган қисқа давр мобайнида ўзининг фаолият натижалари ҳамда ютуқлари билан дунё ҳамжамиятида ўрни ва нуфузи ошиб бормоқда.

Тузилманинг вужудга келиш тарихи "Шанхай бешлиги" деб аталган уюшма фаолияти билан боғлиқ. Дастлаб, 1996 йилда Россия ва Хитой давлатлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бошланган. Шу йили унинг аъзолигига Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва 2001 йилда эса Ўзбекистон қўшилган. 2001 йил 15 июнь мазкур 6 та давлат аъзолигидан иборат Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил қилинган кун сифатида эътироф қилинади. Кейинчалик Ҳиндистон ва Покистон унинг аъзоси бўлди. Самарқанд саммитида Эрон Ислом Республикаси ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилиниши кутилмоқда.

Энг ёш, лекин ўсувчанлик сифати билан ўзига хос кенгайиб, ривожланиб бораётган ушбу халқаро ташкилотга жорий йилнинг 15 июнь куни 21 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида бу тузилма маслаҳат механизми форматидан кенг қамровли давлатлараро платформагача бўлган даражага юксалди.

Қарор қабул қилишда ШҲТ тенглик ва консенсус тамойилига амал қилади. Ҳар бир аъзо давлат вето ҳуқуқига эга бўлиб, барча аъзо давлатлар ўзаро тенг мақомга ҳамда кўп томонлама мувозанатли дипломатияни амалда қўллаш имкониятига эга.

Бугунги кунга келиб, ШҲТ 8 та доимий аъзо давлатни, 4 та кузатувчи ва мулоқот бўйича 6 та шерик давлатларни ўз атрофига бирлаштирган. Шунингдек, 3 та давлат мулоқот мақомига эришиш учун ариза берган. Ташкилотнинг қисқа давр ичида дунёнинг бошқа халқаро тузилмаларига нисбатан юқори даражада юксалишининг ўзига хос омиллари бор. Хусусан, ташкилот аъзоларининг ўзаро фаол ва самарали ҳамкорлик кўлами тобора юксалиб бормоқда. Бунга эришилган иқтисодий глобал кўрсаткичлар ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Ташкилотнинг 2021 йил якуни бўйича глобал кўрсаткичлари жаҳон иқтисодиёти ривожи учун аҳамиятли бўлган салмоқни эгаллади ва ундаги юқори даражали ижобий ўзгаришлар бунга яққол далолат бўла олади. Қолаверса, ШҲТ аъзоларида эътирофга сазовор салоҳиятнинг мужассамлиги ташкилотнинг кенг истиқболга эга эканлигини кўрсатади.

Маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, ШҲТга аъзо мамлакатлар бугунги кунда дунё ЯИМининг 28,62 фоизини, ташқи савдо айланмасининг — 29,03, иқтисодиётга жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг — 16,97, дунё аҳолисининг — 42,56, Ер шари давлатлари майдонининг 26,88 фоизини эгалламоқда. Мазкур кўрсаткичлар ШҲТнинг дунёдаги энг йирик истеъмол бозори, товар ва хизматларга юқори талаблар шаклланиши ва ўсиши имкониятидаги ҳамда энг тезкор ўсиш тенденциясига эга давлатларни ўзида бирлаштирган ташкилот сифатида эътироф этилишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, унинг мазкур масаладаги муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ мақсадга мувофиқдир.

ШҲТ нисбатан қисқа давр оралиғида ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди ва глобал сиёсий ҳамда иқтисодий воқеликнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бугунги кунда у дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди қарийб 36 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бу — Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи, дегани. ШҲТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,4 миллиард бўлиб, бу — дунё аҳолисининг қарийб 43 фоизи, демакдир.

"ШҲТнинг катта оиласи" билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиш тобора ўсиб бормоқда.

БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти сингари шерик тузилмалар тармоғи изчил кенгайиб бораётгани ШҲТнинг халқаро обрў-эътиборини оширишга кўмаклашмоқда. Ҳозирги пайтда Араб давлатлари лигаси ва бошқа қатор тузилмалар билан кўп томонлама алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда ШҲТ макони — улкан хомашё захиралари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик салоҳият мавжудлиги нуқтаи назаридан ўзини ўзи таъминлайдиган минтақа ҳисобланади. ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиётининг умумий ҳажми 24,6 триллион АҚШ долларини ташкил этади, бу эса ташкилот тузилган пайтдаги йиллар кўрсаткичидан 13 баробардан зиёд дегани. Ташкилотнинг макони дунёдаги энг кенг истеъмол бозорини англатади. Бугунги кунда ШҲТ аъзоларининг умумий ялпи ички маҳсулоти умумжаҳон кўрсаткичларининг 28,62 фоиз қисмига етди. 2030 йилга бориб мазкур рақам жаҳон ЯИМининг қарийб 35 — 40 фоизигача ортиши кутилмоқда.

ШҲТ ўзининг амалий татбиқини кутаётган улкан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Глобал таъминот занжирларини диверсификация қилиш шароитида Евроосиёда Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш моҳиятан стратегик аҳамият касб этмоқда.

Шуни унутмаслик жоизки, ШҲТ цивилизацияларaро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун истиқболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги, айниқса, дунёда ишончсизлик ва антагонистик кайфиятлар кучайиб бораётган шароитда янада ортаётир. Ҳар бири бой тарих ва ноёб маданий меросга эга бўлган мамлакатларнинг бир ташкилот фаолиятида иштирок этиши Евроосиё минтақасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Ушбу тузилма аъзо мамлакатлар учун изчил ривожланиш ва янги таҳдидлар қаршисида бирлашиш имконини берадиган минтақавий савдо-иқтисодий ташкилотлардан бирига айланиб боряпти.

## «Бир макон, бир йўл» концепцияси — халқаро манфаатлар чорраҳаси

ШҲТнинг глобал макон сифатидаги "Бир макон, бир йўл" концепциясининг биринчи форуми 2017 йил май ойида Хитой пойтахти Пекин шаҳрида 29 та давлат иштирокида бўлиб ўтган. "Бир макон, бир йўл" форуми қатнашчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Концепция Осиё, жумладан, Марказий Осиё, Европа ва Африканинг 65 дан ортиқ давлатларини боғловчи савдо-транспорт йўлакларини ташкил этиш ва мавжудларини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. ШҲТ кўмагида минтақалараро глобал транспорт-логистика тармоғини яратиш, ушбу соҳа имкониятлари билан янги бозорларни яратиш ва кенгайтириш истиқболларига дунё ҳамжамияти юқори баҳо бермоқда. Бунинг натижасида "Бир макон, бир йўл" концепцияси асосида давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар юзасидан тузилаётган битимлар ҳажмининг ортиб боришига эришиляпти.

Айни дамда кўплаб давлатлар раҳбарлари томонидан транспорт лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ташаббуслар илгари сурилаётган бўлиб, муҳим лойиҳалардан бири сифатида Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган ҳаракатларни ҳам қайд этиш жоиз. Мазкур йўналишда биргина Хитой томонидан "Бир макон, бир йўл" глобал транспорт коридорларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки босқичда 900 млрд. АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратиш режалаштириляпти. Бу каби транспорт коммуникацияларининг ишга тушиши халқаро ташувларда ҳам вақт, ҳам ортиқча харажатларнинг тежалишига хизмат қилади.

"Бир макон, бир йўл" лойиҳасининг диққатга сазовор жойи шундаки, у нафақат қуруқлик, денгиз ва ҳавода, балки ахборот технологиялари соҳасида ҳам маркази Хитой бўлган ҳамкорликни таклиф этади. Хитой бу соҳада "Дижитал ипак йўли" қурилишини барча мамлакатлар билан биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Мазкур соҳада Хитойнинг "Huawei", "ZTE", "China Telecom", "China Mobile" ширкатлари аллақачон дунёга танилиб улгурган.

## Ўзбекистон ШҲТ саммитига тўртинчи марта мезбонлик қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси доимо ШҲТнинг энг фаол ва ташаббускор аъзо давлати бўлиб келган. Ўзбекистон тузилмага аъзо бўлган 2001 йилдан буён бу йил — 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари тўртинчи марта ташкилот саммитига мезбонлик қилади. Бунгача Ўзбекистон 2004, 2010 ва 2016 йилларда шундай шарафга мушарраф бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитидаги иштирокида кўплаб долзарб масалаларни кун тартибига қўйган ва уларнинг ечими муҳимлигини асослаб, ҳамкорликда бартараф этиш таклифларини кўтариб чиққан.

Халқаро ташкилотларнинг аҳамияти шундаки, бир давлат кучли бўлса-да, айрим масалаларни ҳал қилишга қийналади, имкон тополмайди. Бундай шароитда халқаро ёки минтақавий ташкилотлар асосий куч сифатида майдонга чиқади. ШҲТ ҳам худди шундай улкан имкониятларга эга бўлган ташкилот сифатида ўз хизматларини таклиф этади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ушбу қудратига алоҳида урғу берган ҳолда 2020 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлисида қилган маърузасида "Шанхай руҳи"ни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ эканлигини таъкидлаб, *"ШҲТ фақат ҳар биримиз кучли бўлсаккина кучли бўлади"*, дея таъкидлаган эди.

## «Уч ёвуз куч»га қарши курашда мамлакатлар бирлашмоқда

Бугунги кунда ШҲТнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги салмоқли ҳиссаси кундек равшан бўлиб турибди. Унинг биринчи галда терроризм, экстремизм ва сепаратизм таҳдидларига қарши кураш соҳасида эришган муваффақиятлари эътиборга молик. Айнан ШҲТ доирасида дунёда биринчи марта "терроризм" тушунчасини аниқлаб берган кўп томонлама ҳужжат — ШҲТнинг терроризм, экстремизм ва сепаратизм билан курашиш тўғрисидаги конвенцияси 2001 йил 15 июнда ишлаб чиқилган эди.

Қароргоҳи Тошкентда жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси бу йўналишда изчил иш олиб бормоқда. Унинг мувофиқлаштирувида "уч ёвуз куч"нинг сабаблари, манбалари ва кўринишларига барҳам бериш бўйича биргаликдаги самарали чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Мунтазам равишда ШҲТ аксилтеррор машқлари, жумладан, террористик, экстремистик ва сепаратистик мақсадларда интернет тармоғидан фойдаланишни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда наркотикларга қарши "Ўргимчак тўри" халқаро операцияси ўтказилмоқда.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ички ишлар вазирлари ва аъзо давлатларнинг гиёҳвандликка қарши кураш идоралари раҳбарлари йўналишида хавфсизликнинг кенг қамровли масалаларига алоқадор кўп қиррали мунтазам мулоқот қўллаб-қувватланмоқда.

Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу соҳада ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда, Ўзбекистон томонининг фаол иштирокида Халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича ҳамкорлик дастури тайёрланган ва қабул қилинган.

Шунга қарамасдан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақада барқарорликни таъминлашга қўшган ҳиссаси бу билан чекланиб қолмайди. Унинг амалий фаолиятида хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш таъминланиши масалаларига ўзаро боғлиқликнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қаралади. Минтақада барқарорлик ва изчил тараққиёт сақланиб қолинишида ШҲТнинг муҳим роли ҳам айнан ана шундадир.

Минтақада ва унинг атрофида рўй бераётган ўзгаришларга қарамасдан, 20 йилдан ортиқ вақт давомида Марказий Осиё ШҲТнинг географик ядроси бўлиб қолмоқда. Минтақада барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш кенг аҳамиятга молик бўлиб қолиши ва шу сабабли ушбу вазифалар бундан кейин ҳам ташкилотнинг диққат марказида бўлиши кераклиги юзасидан унга аъзо давлатлар ўртасида тўлиқ тушуниш мавжуддир.

Ўз навбатида, ШҲТга асос солиниши Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг бевосита натижаси бўлди. Шунинг учун унинг фаолиятидаги энг муҳим "қўшилган қиймат", биринчи навбатда, Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссасидир, деб ҳисоблаш мумкин.

## ШҲТнинг географик ядроси — Марказий Осиё ислоҳотлари

ШҲТнинг географик ядроси бўлган Марказий Осиёда бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларда Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бу эса, энг аввало, Президентимизнинг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари ва олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида мамлакатимизнинг қўшни давлатлар ҳамда ШҲТга аъзо бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг сезиларли даражада ривожланиб боришида ўз самарасини бермоқда.

Маълумотларга кўра, 2016 — 2021 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг жами экспорт ҳажми 37,8 фоизга, ШҲТ аъзоларининг ўша даврдагига нисбатан экспорти ҳажми 26,7 фоизга ошган. Агар Эрон давлатининг 2016 йилда ШҲТ аъзоси бўлмаганлиги инобатга олинса, у ҳолда аъзо давлатларга Ўзбекистондан қилинган экспорт ҳажми 46,1 фоиз ўсишга эришганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистоннинг аъзо давлатларга қилган экспорти таркибида Хитой ва Россия давлатлари етакчи ўринни эгаллаб келаётганлиги кузатилади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг экспорт географияси ҳам ушбу давр оралиғида бирмунча кенгайиб, давлатлар сегментида ҳам товарлар ва хизматлар экспорти диверсификацияси амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Худди шунингдек, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари экспортларидан қабул қилаётган товарлар ва хизматлар динамикасида ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси мавжуд.

Ўзбекистоннинг товарлар ва хизматлар импорти 2016 — 2021 йиллар давомида 2,1 мартага ўсиши кузатилган. Ушбу даврда ШҲТга аъзо давлатлардан қилинган жами импорт ҳажми 2,33 марта ошган. 2016 йилда Эрон давлатининг ШҲТ аъзоси бўлмаганлиги инобатга олинса, у ҳолда аъзо давлатлардан Ўзбекистондан импорт қилинган товарлар ва хизматлар ҳажми 2,35 марта ошганлигини кузатиш мумкин. Шуни аълоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Россия, Хитой ва Қозоғистон давлатларидан импорт қилган товар ва хизматлари ҳажми динамик ўсиш тенденциясига, бошқа давлатлар бўйича нотекис динамикага эга бўлганлигини кўриш мумкин.




> *ШҲТ цивилизацияларaро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун истиқболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги, айниқса, дунёда ишончсизлик ва антагонистик кайфиятлар кучайиб бораётган шароитда янада ортаётир. Ҳар бири бой тарих ва ноёб маданий меросга эга бўлган мамлакатларнинг бир ташкилот фаолиятида иштирок этиши Евроосиё минтақасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.*

Эътиборли жиҳати шундаки, ШҲТнинг қисқа тарихий давридаги муҳим ютуқларини намоён қилган натижа сифатида Ўзбекистоннинг импорти таркибида ташкилотга аъзо давлатларнинг улуши таҳлил этилган даврда 48,42 — 55,51 фоиз оралиғидаги улушни эгаллаган. Бу эса Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида қатнашаётган 250 га яқин давлатлар ичида ШҲТга аъзо бўлган 8 та мамлакат билан амалга ошириб келаётган савдо-иқтисодий алоқалари ўзининг ижобий самараларини бераётганлигини амалий тасдиқлайди. Мавжуд имкониятлар ва ишга солинмаган, фойдаланилмаган салоҳиятлар ушбу натижаларни бундан бир неча карра юқори даражаларга олиб чиқишга қодир эканлиги бот-бот таъкидланади. Бу эса ШҲТнинг ягона куч сифатидаги илдам ҳаракатига улкан мотивация бағишлайди.

Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда тузилмага аъзо давлатларнинг савдо-транспорт алоқаларини янада ривожлантириш йўлидаги салоҳиятларини рўёбга чиқариш энг муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда. Бу ўз таъсирини ҳамон кўрсатишда давом этаётган пандемия, шунингдек, давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий санкциялар жорий қилиниши, турли минтақалардаги ҳарбий низоли вазиятлар шароитида юқори инфляциянинг келиб чиқиши, пировардида аҳоли камбағал қатламининг янада ортиб кетиши, очарчилик, турли касалликларнинг келиб чиқиш хавфи ошиши жараёнида ушбу муаммоларга қарши фақатгина якдил, ҳамжиҳат ҳолда курашиш ягона энг самарали ва қулай чора ҳамда ечим бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида камбағалликни қисқартириш масалаларида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этди. Ташкилот доирасида мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари йиғилишлари механизмини яратиш ва тегишли дастурий ҳужжат тайёрлаш таклиф этилди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимиз халқаро форум ўтказишга тайёр экани билдирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси тасдиқланганини маъқуллаб, хавфли инфекцион касалликларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликни янада фаоллаштириш, юқумли касалликлар бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш, Телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқишни ўз вақтида ва ўрнида таклиф этди. Бу бежиз эмас, албатта. Бу — бугунданоқ эртанги кунда халқнинг дарди оғирлашишининг олдини олишга қаратилган мақсадли, узоқни кўра олган ҳолда кўрилиши лозим бўлган чора бўйича таклифдир.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбари 2017 — 2021 йилларда ўтказилган ШҲТ саммитларида 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, ушбу таклифлар ШҲТнинг "йўл хариталари", меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатлари доирасида, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги механизмлари шаклида изчил амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти ўтган йилги Душанбе саммитида сўзлаган нутқида ШҲТга раисликнинг устувор йўналишларини тақдим этгани ҳолда ташаббускорлик ва очиқлик йўналишини яққол намоён этди. Ушбу ташаббуслар мамлакатимиз ички тараққиётининг асосий вазифалари ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги манфаатларини акс эттириши билан бирга, ШҲТни ривожлантиришнинг янги босқичида мақсад ва вазифаларни муваффақият билан бирлаштиради.

Минтақалараро савдо, саноат кооперацияси, инновация, "яшил" ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби муҳим йўналишларда кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш орқали ШҲТ салоҳиятини янада мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.

## Транспорт салоҳияти

Маълумотларга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг. Қозоғистон энг йирик ва энг кўп фойдаланиладиган темир йўллар тизимига эга, унинг ҳиссасига минтақадаги темир йўлларнинг 66 фоизи ва барча юк ташишларнинг 84 фоизи тўғри келади. Минтақадаги темир йўлларнинг қарийб 18 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан ўтади ва барча ташишларнинг қарийб 11 фоизи мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Туркманистон тахминан 12 фоиз минтақавий темир йўлларга эгалик қилади ва барча ташишларнинг 4 фоизини таъминлайди.

Хитой ва қўшни мамлакатлар билан транспорт ташувлари осонлашиши ҳамда тезлашиши ҳисобига унга сарфланадиган харажат қисқаришига эришиш мумкин. Ўзбекистон мисолида олиб кўрадиган бўлсак, лойиҳа асосида инфраструктура объектлари яхшиланиши, янги йўллар барпо қилиниши ҳисобига барча иштирокчилар билан транспорт харажатларида ижобий ўзгариш содир бўлади.

Хусусан, Қирғизистон билан ташиладиган транспорт харажатлари 37 фоизгача, Қозоғистон билан эса 28 фоизгача қисқаришига эришиш мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар билан ҳам транспорт ва юк ташиш борасида харажатларни минималлаштириш имкони мавжуд. Хитой ҳукумати йўллар қурилиши ва янги инфраструктура иншоотларини барпо қилишда катта ташаббус кўрсатмоқда, молиявий маблағларни ўз зиммасига олишини таъкидлаб келмоқда.

Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш оқимларини жалб этиш имконини берадиган янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиб, халқаро логистика марказлари тармоғини яратиш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг портларидан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, Марказий Осиёда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирувчи муҳим транзит йўл бўлиб хизмат қиладиган ягона интеграциялашган тизимни яратиш масалалари минтақа учун долзарб аҳамият касб этади.

Евроосиё минтақаси учун ўта фойдали бўлган мазкур транспорт-транзит кўп тармоқли тизимини яратишда ШҲТ муҳим омил сифатида хизмат қилади. Бу йўналишда Хитой 2019 йилдан бошлаб ўзининг мақсадли режаларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 2019 йил 19 сентябрда Хитойнинг транспорт соҳасидаги кучини ошириш режаси эълон қилинди. Ҳужжат Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ва Давлат кенгаши томонидан маъқулланди ҳамда Хитой транспорт секторининг келажакдаги истиқболлари ва "Йўл харитаси"ни аниқ тамойиллар асосида тасвирлайди.

Унга кўра, 2035 йилга бориб Марказий Осиёда "йирик транспорт минтақаси" барпо этилиши режалаштирилган. Ўша вақтда транспорт тизими талабни тўлиқ қондириши ва мамлакатларни модернизациялашга хизмат қилиши керак. Иккинчи босқич — 2036 дан 2050 йилгача бўлиб, халқаро рақобатбардош транспорт тизимини яратиш тамойилларини ўз ичига олади ва 2050 йилга бориб халқаро миқёсда инновацион транспорт тизими барпо этилади.

Хитойнинг транспорт тизими нафақат миқёси бўйича, балки техник жиҳозлар сифати, технологик инновацион қобилияти ва тегишли касбий ишчи кучи, интеллектуал ва "ақлли" транспорт имкониятлари, атроф-муҳит шароити, транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳамда бошқарув лаёқати бўйича ҳам жаҳон миқёсида энг юқори талабларга жавоб бериши керак. Хитойнинг транспорт сектори учун умумий қўлланма сифатида сиёсат узоқ муддатли юқори даражадаги стратегик ва келишилган ривожланиш учун хизмат қилади. Шунингдек, у мамлакатнинг ўрта муддатли транспорт стратегиялари, келгуси беш йиллик режалари ҳамда келажак миллий ва суб-миллий даражада амалга оширишнинг аниқ тамойиллари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳам транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Транспорт тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, Ўзбекистон ҳудудидан ўтишда мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда, бу эса Марказий Осиёда халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳам "Бир макон, бир йўл" лойиҳасида иштирок этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Карс темир йўли орқали ташқи савдо юкларининг дастлабки транзит ташувларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

"Шимол — Жануб" лойиҳасининг очилиши эса Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятли бўлиб, ушбу транспорт йўлаги Санкт-Петербург бандаргоҳини Эроннинг Бандар Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳлари билан боғлайди, шу тарзда денгиз йўли Ҳиндистондаги Мумбай бандаргоҳига қадар узайтирилади.

Ушбу транспорт йўлаги Эрон орқали Форс кўрфази мамлакатларига юк ташиш жараёнини соддалаштириши туфайли Марказий Осиё учун долзарб аҳамиятга эга. Ҳар йили йўлак орқали 3 — 5 миллион тонна юкни транзит қилиш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Афғонистон ҳудуди орқали Покистон билан савдо-транспорт алоқалари йўлга қўйилишига эришилиб, хавфсизлиги ва қулайлиги жиҳатидан вақт, харажат ва юқори иқтисодий наф келтирмоқда. Ушбу савдо-транспорт йўлагидан Афғонистон ҳам манфаат кўраётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Натижада аввалари Покистондан Ўзбекистонга 30 — 35 кунда олиб келинадиган товарларга эндиликда 7 — 10 кун вақт сарфланмоқда. Бу ҳам тежамкорлик, ҳам фойда, шунингдек, савдо айланмаси ҳажми ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, ШҲТ инвестиция, савдо, саноат, энергетика, фармацевтика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, давлат бошқаруви, мудофаа, хавфсизлик, туризм, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш билан бирга, глобал таҳдидларнинг олдини олиш, жумладан, терроризм, экстремизм ва наркобизнес, қўпорувчилик, одам савдоси, турли ахборот хуружлари кабилардан доимий огоҳ бўлиш, улардан ҳимояланишда давомли шерикликни амалга ошириш каби йўналишларда ҳам ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда.

Шулар қаторида юқоридаги масалалар бўйича ришталарнинг жадал тус олиши ва чуқурлашувида асосий омил ва куч бўлувчи инсоннинг ақлий салоҳияти ва меҳнати самарасини оширишга қаратилган ҳамкорликларни ҳам кучайтиришга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, ШҲТ рақамлаштириш ва иқтисодий ривожланишдаги рақамли бўлинишни қисқартириш соҳасида жипсликни ҳар томонлама кенгайтириш муҳимлигини таъкидлайди.

Зеро, халқаро шериклик ва интеграцион алоқаларнинг янгидан-янги қирралари шаклланиб келаётганлиги инобатга олиниб, ШҲТга аъзо давлатларда юқори салоҳиятли кадрларни етиштириш, мамлакатлар ўртасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, таълим дастурлари бўйича ҳамкорликни жадал чуқурлаштириш зарур бўлмоқдаки, мазкур жараён ўз маҳсули билан мамлакатнинг ривожланган ва жадал ривожланаётган давлатлар билан рақобатда бардошли бўлиш, турли халқаро ҳамкорликдаги позицияларда ўз ўрнини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи куч сифатида юксак аҳамиятини кўрсатади.



**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Нордик халқаро университети ректори, иқтисодиёт фанлар доктори, профессор.**



**Қобил ИСАЕВ,**
**Нордик халқаро университети Илмий-инновацион тадқиқотлар департаменти бошлиғи.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1

Жумладан, Самарқанд вилоятида туризм йўналишида якка тартибда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига яратилган 5,2 минг иш ўрни бир вақтнинг ўзида тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида яратилган иш ўринларида ҳам такрор қайд этилган.

Хизматлар соҳасида иш ўринлари яратиш кўрсаткичлари, асосан, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бажарилган бўлиб, янги объектларни ташкил этиш ҳисобига яратилган иш ўринлари Самарқанд вилоятида атиги 24,8 фоизни, Навоий вилоятида эса 20,3 фоизни ташкил қилган.

Янги иш ўринлари яратилган айрим тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтганига бир-икки ой бўлишига қарамай, фаолиятини тўхтатиб қўйганлиги қайд этилди.

Ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар, хусусан, иш ўринларини соҳа, тармоқ ва ҳудудлар кесимида хатловдан ўтказиш, асоссиз равишда ошириб кўрсатилган иш ўринларини аниқлаб, ҳисоботларни қайта шакллантириш, "Шаффоф қурилиш" платформасида ғолиб бўлган пудрат корхоналари томонидан ўз лойиҳасида кўрсатилган иш ўринларида бандликни таъминлаш устидан мониторинг модулини яратиш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, тегишли ҳокимликларга тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва қисқа муддат ичида ўз фаолиятини тўхтатган хусусий бизнес субъектларининг муаммо ва фаолиятидаги тўсиқларни ўрганиб, уларнинг фаолиятини тиклаш юзасидан ва ҳар бир рўйхатдан ўтган тадбиркор билан алоҳида ишлаш, натижалари бўйича асосли ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юкланди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларга қарамасдан, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилган самарали фискал ва монетар сиёсат натижасида ЯИМ ҳажми жорий нархларда қарийб 390 триллион сўмга етиб, иқтисодий ўсиш ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,4 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 92,6 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 17,8 триллион сўмга кўпайди. Давлат бюджети даромадларининг ўсишига сўнгги йиллардаги солиқ назорати ва маъмуриятчилиги янги дастакларининг жорий этилиши, солиқ базасининг кенгайтирилиши, иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар таъсир кўрсатганлиги қайд этилди.

Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 103,0 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 26,4 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари 36 триллион 977 миллиард сўмга етди.

Сенат аъзолари муҳокамалар жараёнида асосий эътиборни 2022 йилнинг 6 ойи давомида Давлат бюджети даромад ва харажатларининг ижроси, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, шунингдек, солиқ ва божхона идоралари томонидан белгиланган Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилишида солиқ ва божхона тўловлари бўйича ҳисобланган даромадларнинг ундирувчанлик даражасига қаратдилар.

Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ҳамда белгиланган прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланилиши борасида йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар томонидан "Очиқ бюджет" портали орқали маҳаллий бюджетнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши ҳолати юзасидан ҳам ўз муносабатлари билдирилди, бу борада шаффофликни ва фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатлари ижросини таъминлашда, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилиб, уларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги 5 йилда электрон тижорат соҳасида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 48 баробар ошиб, 1,1 триллион сўмни ташкил қилмоқда. Лекин 2015 йилда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги амалдаги қонун ишлаб чиқилган даврда бу имкониятлар етарли даражада ривожланмаган эди.

Қолаверса, жаҳон бўйлаб коронавируснинг кенг тарқалиши дунё аҳолисининг электрон тижоратга бўлган талабини янада оширди. Натижада онлайн савдо қилиш тизими йил сайин ўсиб бормоқда. Биргина 2020 йилда электрон тижорат савдо ҳажми Хитойда 24,9 фоизга, Жанубий Кореяда 25,9 фоизга, АҚШда 14 фоизга ва Сингапурда 11,7 фоизга ошган. Ўзбекистонда эса электрон тижорат ҳажми 80 фоизга ўсган.

Мажлисда қайд этилишича, амалдаги қонунда соҳанинг ривожланиши учун етарлича шарт-шароитлар кўзда тутилмаган. Хусусан, барча электрон тижорат субъектлари қамраб олинмаган, электрон тижоратга оид ҳужжатларни алмашиш, тўлов механизмлари ва товарларни қайтариш масалаларини амалиётда қўллашда тушунмовчиликлар юзага келмоқда.

Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда электрон шартномаларни тузишнинг аниқ тартиби белгиланмоқда. Жумладан, электрон ҳужжатларнинг юридик кучи, офертага қўйиладиган талаблар, электрон ҳужжатларни сақлаш хусусиятлари, электрон битимни амалга ошириш тартиби ҳамда электрон шартномаларни тузиш шартлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторларнинг сўзларига кўра, қонун амалиётда кўплаб қулайликларни яратади. Хусусан, қонун билан электрон тижоратда харидорнинг шартлари тўлиқ қондирилмагунча ахборот тизимида пул маблағларини ушлаб туриш имкониятини берувчи пулни депонентлаш тизими жорий қилинмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, юридик шахслар билан бир қаторда ўзини ўзи банд қилган шахсларга электрон тижоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Сенаторлар "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун яқин келажакда шаффоф ва очиқ ҳолда сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга кўмак беришини таъкидлаб ўтдилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни кўзда тутадиган мазкур қонун сенаторлар томонидан соҳа экспертлари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида таҳлил қилинди ва ундаги айрим моддаларнинг нормаларида ноаниқликлар аниқланган.

Хусусан, қонуннинг 26-моддаси иккинчи қисмида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олган шахсларга тенглаштирилиши ва уларга нисбатан ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқ солиш ва пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш тартиби қўлланилиши қайд этилган.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида эса уюшган ҳолда ишга жойлаштириш доирасида чиқиб кетаётган фуқароларга ушбу моддада назарда тутилган ижтимоий кафолатлар, башарти улар "Labor-migration" ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилган бўлса, берилиши шарти белгиланмоқда.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасига мувофиқ, меҳнат стажи ҳисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ихтиёрий тартибда солиқ тўлаши қайд этилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам солиқларни тўлаш, пенсия миқдорини ҳамда меҳнат стажи ҳисоблашда қўшимча шартлар сифатида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида рўйхатдан ўтиш назарда тутилмаган. Бу меҳнат миграцияси йўли билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган фуқаролар учун назарда тутилган ижтимоий кафолатларни ахборот тизимида рўйхатдан ўтганидан сўнг бериш шарти Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги қарорининг 12-бандига зид эканини англатади.

Қонуннинг 5-моддасида мажбурий меҳнатнинг белгилари ва кўринишлари тўлиқ очиб берилмаган. Хусусан, иш бажаришга мажбурлаш деганда бирон-бир жазо қўллаш таҳдиди билангина чекланиб қолиши, зўравонлик тўғридан-тўғри қўлланиш ҳолатлари мавҳумлигича қолган.

Муҳокама жараёнида, шунингдек, қонуннинг бошқа биронта моддасида фуқароларни касбга ва чет тилларига ўқитиш ҳамда уларга халқаро миқёсда тан олинадиган сертификатлар бериш тартиби тўғрисида нормалар акс эттирилмагани, яъни қонунда фуқароларни ким томонидан ўқитиш ёки сертификатлар бериш ёхуд қайси касбларга ўқитиш каби механизмлар етарлича очиб берилмагани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, қонунда 30 га яқин ҳавола қилувчи нормалар мавжудлиги унинг тўғридан-тўғри амал қилишига салбий таъсир кўрсатиши, муайян органларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилишига замин яратиши таъкидланди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини рад қилиш тўғрисидаги Сенат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Йил сайин интернет тармоқлари орқали масофадан (онлайн) хизматлар кўрсатиш ривожланяпти.

Айниқса, жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон ҳужжат айланиши ортиб бораётгани туфайли электрон рақамли имзодан фойдаланиш оммалашди.

Маълумки, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун 2003 йилда қабул қилинган. Бугунги кунда унга қатор ўзгартишлар киритишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Жумладан, Австралия, Жанубий Корея, АҚШ ва бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда юридик шахсларга электрон рақамли имзодан фойдаланишга рухсат этилмоқда.

Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, бунинг учун соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Булар — электрон рақамли имзодан фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техник ва бошқа шарт-шароитлар яратиш, электрон рақамли имзони талаб қиладиган виртуал хизматлар турларининг очиқлиги ва сифатини таъминлаш, мажбурий техник талаблар, нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техник тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва бошқалар.

Давлат органларининг махфий маълумотларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Идоралараро электрон ахборот алмашинувида фақат миллий стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзодан фойдаланишга рухсат этилмоқда.

Фойдаланувчиларга доимий равишда ўзи билан маълумот ташувчи қурилмаларни олиб юришга ҳожат қолдирмаслик мақсадида "булутли технологиялар"да электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, қонунда рўйхатга олиш марказининг фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш амалиёти жорий этилмоқда. Электрон рақамли имзолар калитлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур қонун билан мустаҳкамланмоқда.

Қонунда яна бир янгилик "Ишончли учинчи тараф хизмати" назарда тутилмоқда. Ушбу хизмат ахборот ва электрон ҳужжатларни алмашиш пайтида электрон рақамли имзонинг имзо қўяётган шахсга тегишли эканлигини аниқлаш имконини беради.

Муҳокамалар сўнгида мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан 2023 йилнинг 1 январидан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бароБаридан 12 баробарига оширилиши назарда тутиляпти.

Сенаторларнинг қайд этишича, киритилаётган ўзгартишга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инобатга олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 бараваридан ортиқ бўлмаган, яъни 3 888 000 сўм миқдоридаги ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисобга олиш белгиланмоқда.

Натижада 352 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача ойлик пенсия миқдори 400 минг сўмгача ошади. Шулардан, 304 минг нафари ёшга доир пенсия олувчилар, 25,2 минг нафари ногиронлиги бўлган шахслар ва 23 минг нафари боқувчисини йўқотган шахслардир.

Қонунга мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,5 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги маблағлар талаб этилади.

Мазкур қонун билан таклиф этилаётган тартибнинг жорий этилиши ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг унумли меҳнат қилиб, кўпроқ ҳақ олишига қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар жараёнида сенаторлар бу ўзгаришлар, энг аввало, юртимизда ёшга доир, ногиронлик пенсиясини ҳамда етим болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олувчи фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий ҳимоянинг яққол далили эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ қонун ва қонуности ҳужжатларини янада тартибга солиш доираларини белгилаш, ҳуқуқий нормаларда жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарликни, шунингдек, хўжалик бошқаруви органларининг ваколатларига кирувчи масалаларни аниқ белгилаш давр тақозоси.

Шу сабабли мазкур қонун билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Сир эмаски, охирги пайтларда электрон тўлов воситалари ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилик жиноятлари кўп содир этилмоқда.

Биргина мисол, 2022 йилнинг 7 ойи давомида банк пластик карталаридан пул маблағларини фирибгарлик ва ўғрилик йўли билан талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан жами 1 812 та жиноят иши қўзғатилган.

Бугунги кунда ушбу ҳуқуқбузарлик Жиноят кодексининг фирибгарлик, ўғрилик деб номланган 168, 169-моддалари билан тасниФланмоқда. Бироқ айни пайтда ушбу моддаларда белгиланган жазо айбдорларнинг чин дилдан пушаймон бўлиб, бу йўлдан



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

қайтиши, ахлоқан тузалиш йўлига кириши учун етарли эмаслиги, содда қилиб айтсак, жазо енгиллик қилаётгани маълум бўлмоқда.

Шу боисдан ушбу қонун билан бундай турдаги жиноятлар учун жазо оғирлаштирилмоқда. Яъни эндиликда ахборот тизимларига ноқонуний кириб ва улардан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 400 бараваригача жарима тўланади. Ҳозир бу миқдор 100 дан 300 гача.

Ёки амалдаги нормага кўра, ушбу жиноят учун 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат 5 йилдан 8 йилгача этиб қатъий белгиланмоқда.

Қолаверса, амалдаги қонунчиликда халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас қадамжоларимизга, юртимиз ҳаётига оид муҳим тарихий воқеаларга бағишланган, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, миллий қаҳрамонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ёдгорликларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби хатти-ҳаракатларга нисбатан жавобгарликни белгилашда бўшлиқлар бор.

Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, таҳқирлаш ёки уларга шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи янги норма киритилмоқда.

Шунингдек, шикаст етказиш учун белгиланаётган миқдорлар, яъни оз миқдор ва кўп бўлмаган миқдор тушунчалари киритилиб, унга кўра, оз миқдорда деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача, кўп бўлмаган миқдорда деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилиши кўрсатилмоқда.

Мазкур қонунни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро тажриба, Ҳамдўстлик мамлакатлари қонунчилиги ўрганилган ҳамда миллий қонунчилигимизга мос келадиган нормалар қисман инобатга олинган.

Қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон пул маблағларини талон-торож қилиш ҳамда фуқароларнинг ишончига кириб ҳисоб рақамлари ёки пластик карталаридан пул маблағини талон-тарож қилиш каби ўғирлик ва фирибгарлик жиноятларининг олди олинишига, иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас қадамжоларнинг муносиб сақланишига, юртимиз ҳаётига оид муҳим тарихий воқеаларга бағишланган, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, миллий қаҳрамонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ёдгорликларга ҳурматсизлик ёки уларни таҳқирлашга йўл қўймасликка хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Сенатнинг 32-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда ташқи сиёсат соҳасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, юртимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини кенгайтириш ва хорижий давлатлар билан кенг қамровли ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда.

2022 йил биринчи ярим йиллигида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 500 дан ортиқ олий ва юқори даражадаги ташриф, учрашув ва мулоқотлар амалга оширилган.

Бунинг натижасида жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари кесимида белгиланган товарлар экспорти прогнози 4 миллиард 642 миллион долларга бажарилган.

Қайд этилганидек, олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида ва дипломатик каналлар орқали 90 та савдо-иқтисодий, транспорт ҳамда маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларга оид икки томонлама ҳужжатнинг имзоланиши таъминланган.

Вазир ахборотига кўра, республика ҳудудларига бириктирилган элчихоналар томонидан умумий қиймати 13,4 миллиард долларлик 386 та инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ҳозирги вақтда тегишли вазирлик ва идоралар билан ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, муҳокамалар жараёнида вазирлик фаолиятида мавжуд бир қатор камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, мамлакатимиз 140 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқаларни ўрнатганига қарамай, инвестицион ҳамкорлигимиз уларнинг атиги 25 фоиз, яъни 35 та мамлакат билан олиб борилиши салбий оқибатга эга бўлмоқда. Грузия, Дания, Нидерландия, Ирландия, Бразилия, Португалия, Бангладеш, Греция каби салоҳиятли мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари йўлга қўйилмаган.

Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишда Ўзбекистоннинг айрим элчихоналари томонидан эришилган натижалар қониқарли даражада эмас. Элчихоналар ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган лойиҳаларнинг 50 фоизи амалиётга татбиқ этилмасдан қолиб кетмоқда.

Туризмни тарғиб қилиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижий бозорларга олиб чиқиш йўналишида элчихоналаримиз томонидан амалга оширилган ишлар сезиларли натижа бермаган.

Ўз навбатида, сенаторлар кенг жамоатчиликнинг асосли танқидларидан бири бўлган хориждаги меҳнат мигрантларимизни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Жумладан, Ўзбекистоннинг меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ишлари амалга оширилмагани танқид қилинди. Хусусан, меҳнат мигрантлари учун янги йўналишлар яратиш доирасида Буюк Британия, Польша, Латвия ва Литва каби хорижий шериклар билан икки томонлама ҳужжатлар имзоланишида сусткашликка йўл қўйилган.

Хорижий сайёҳлар учун E-visa веб-сайти орқали Ўзбекистон электрон визасини олишда турли техник носозлик ва қийинчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналарининг расмий веб-сайтларидаги маълумотлар мунтазам равишда янгиланиб борилмайди. Инвесторлар, ишбилармонлар ва сайёҳлар учун етарли маълумот ва ҳаволалар жойлаштирилмаган.

Юқоридаги масалалар инобатга олиниб, вазирлик ахбороти юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати танқидий муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди.

Сенат томонидан айрим давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ўрганилиб, бу борада йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларга жами 773 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Ҳудудларда мунтазам равишда оммавий қабуллар, ваколатли органлар иштирокида танқидий муҳокамалар ўтказилиши натижасида мурожаатлар сони ўтган йилдагига нисбатан 66 мингтага ёки 8 фоизга камайган.

Мазкур мурожаатларда республика аҳолиси томонидан энг кўп ижтимоий нафақалар (80 минг), давлат органлари ходимлари фаолиятидан норозилик (58 минг), мажбурий ижро, алимент ва қарз суммаларини ундириш (51 минг), моддий ёрдам ва ҳомийлик (46 минг), бандлик (35 минг), уй-жой (33 минг), газ таъминоти (28 минг), электр энергияси (27 минг), судларда фуқаролик ишлари (26 минг), банк кредитлари (23 минг), камбағалликка қарши кураш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари, ҳоким ёрдамчилари фаолияти (22 минг), йўл инфратузилмаси (17 минг), ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (17 минг), соғлиқни сақлаш (16,5 минг), ҳуқуқни муҳофаза қилиш (16 минг) ҳамда ичимлик суви (15 минг) билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Айниқса, муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам, суд қарорлари ижроси, табиий газ ва кадастр масалалари билан боғлиқ мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2 баравардан кўпга ўсган.

Иқтисодий соҳада мурожаатлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимида 48 баравар, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 13 баравар, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигида 2,7 баравар, Қурилиш вазирлигида 2,3 баравар, Давлат солиқ қўмитасида 2 бараварга ошган.

Ижтимоий соҳада мурожаатлар сони 18 фоизга камайган бўлса-да, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида 108 фоиз, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимида 67 фоизга кескин ортган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида мурожаатлар сони Адлия вазирлиги тизимида 58 фоиз, Ички ишлар вазирлигида 20 фоиз, Мажбурий ижро бюросида 20 фоизга ортган.

Бундан ташқари, ҳокимликлар тизимида энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳар, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида (14-18 мингта) кузатилади.

Ҳисобот даврида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида (6 фоиз), "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ (12 фоиз), Дин ишлари бўйича қўмита (18 фоиз), Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Қурилиш вазирликлари (19 фоиз), шунингдек, Андижон вилояти (11 фоиз), Наманган (15 фоиз), Навоий (16 фоиз) ҳамда Қашқадарё (19 фоиз) ҳокимликларида мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси паст бўлган.

Сенаторлар томонидан юқорида қайд этилган мурожаатларнинг таҳлили айрим давлат органлари ва ташкилотлари тизимида, шунингдек, ҳокимликларда мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммолар сақланиб қолаётганлигини ҳамда бу борадаги мурожаатлар таҳлили ўтказилмагани, ушбу соҳа бўйича ички назорат ишлари талаб даражасида ташкил этилмагани танқид қилинди.

Шунингдек, муҳокамалар натижасида вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аҳоли мурожаат қилишга энг кўп мажбур бўлаётган тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни маҳалла ёки қуйи тизимнинг ўзида бартараф этиш чораларини кўриш, барча даражадаги раҳбарлар мулоқотлар ва сайёр қабулларни тизимли ташкиллаштириш ҳамда мурожаатларни жойида ҳал қилиш чораларини кўриш, ижтимоий тармоқлардаги мурожаатларни тезкорлик билан ўрганиш ва уларга ўз вақтида муносабат билдириш амалиётини кенгайтириш тавсия қилинди.

Муҳокама натижасида берилган тавсияларни инобатга олган ҳолда Сенат қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Боёвут, Қарши, Олот, Бўстон ва Тўрақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур ҳудудларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш йўналишида қарийб 2,8 триллион сўмлик 391 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 5,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган тадбирлар доирасида 25 та мактабгача таълим ташкилоти, 29 та умумтаълим мактаби ва 21 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 3 та касб-ҳунар коллежи бинолари ҳамда 6 та маданият ва спорт объектида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

5

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1-4

Мажлис жараёнида дастурлар доирасида тадбирларни амалга оширишда айрим муаммоли масалалар ҳамон сақланиб қолаётгани таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳисобидан давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Олот туманидаги 28 километр, Боёвут туманидаги 10 километр, Қарши туманидаги 7 километр автомобиль йўллари ва кўприкларни реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш учун белгиланган маблағлар тўлиқ ажратилмаган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаганлиги натижасида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 1,6 триллион сўм бўлган 55 та инвестиция лойиҳасининг ижроси таъминланмаган. Оқибатда 5,1 мингга яқин янги иш ўринлари яратилмасдан қолган.

Дастурлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида муддати кечиктирилган 55 та инвестиция лойиҳасини ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чорасини кўриш, бунда ташаббускорлар томонидан рад этилиб, истиқболсиз деб топилган лойиҳалар ўрнига янги лойиҳаларни шакллантириш зарур.

Шунингдек, Олот туманидаги 4 та оилавий шифокор пунктини мукаммал таъмирлаш тадбирлари жорий йилги инвестиция дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар эвазига амалга оширилишини таъминлаш керак.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини қуриш бўйича тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилган ҳолда манзилли рўйхатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Муҳокамалар якуни бўйича мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод тумани, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг изчил тараққиёти Наманган вилоятида ҳам улкан ўзгаришларга замин яратди. Шаҳару туманларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ва истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоятда 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,8 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 16,1 фоизга ўсган. Бунда вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

2020 йилда Наманган шаҳри таркибида 4,9 минг гектар ер майдони ҳамда 151 минг аҳолини ўз ичига олувчи Давлатобод тумани ташкил этилди.

Натижада урбанизация жараёни жадаллашиб, Давлатобод туманида янги инфратузилма объектлари барпо этилмоқда ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш имкониятлари кенгаймоқда.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда Наманган шаҳар аҳолиси 670 минг нафар.

Шаҳарда бир йилда аҳолининг ўртача ўсиши 30,3 минг кишини ташкил этиши ҳисобга олинган ҳолда, 2040 йилга бориб аҳоли сони табиий равишда 1,2 миллион кишига етиши кутилмоқда.

Наманган шаҳрининг ўсиб бораётган аҳолиси эҳтиёжларини қондириш мақсадида 2022 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Наманган шаҳрида "Янги Наманган шаҳарчаси" замонавий ишбилармонлик маркази ва тураржойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидан 472,2 гектар (шундан 276 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари) ер майдонини Наманган шаҳрининг Давлатобод тумани таркибига ўтказиш ва ўтказилган ер майдони ҳудудида "Янги Наманган шаҳарчаси" комплексини барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Шаҳарчани бунёд этиш учун айнан шу манзил танланишига эса ҳудуднинг ўзига хос салқин иқлими, "Наманган" халқаро аэропортига яқинлиги, вилоятни Тошкент шаҳри билан боғловчи "4Р-112" йўли ёқасида жойлашганлиги ҳамда энг охирги меъморий ечимлар ёрдамида қуриладиган шаҳарча вилоятнинг маъмурий марказига кираверишда меҳмонлар учун алоҳида кайфият бағишлаши, шунингдек, ҳудудда табиий газ, электр энергияси, оқова сув тармоғи ҳамда алоқа линияси каби муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжудлиги каби қатор сабабларни келтириш мумкин.

Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши Наманган шаҳрида замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизими янада ривожланишига ва энг асосийси, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда, шунингдек, Наманган шаҳрининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш, инвестиция ва туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод тумани, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала Сенат қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан атрофлича ўрганилди.

Ушбу масала халқ депутатлари Давлатобод ва Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган вилояти Кенгашларининг тегишли қарорлари билан маъқулланган.

Муҳокама этилган масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, сенаторлар Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Фарғона вилояти шаҳарлари ва туманларининг чегараларида муаммоли масалалар мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳаётида турли қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари таркибига киритилиши режалаштирилган ҳудудларда яшовчи аҳолининг аксарият қисми шаҳарлардаги ижтимоий соҳа (мактаб, боғча, касалхона) муассасаларига қатнашига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, муҳандислик-коммуникация тизимлари (электр тармоқлари, табиий газ, ичимлик суви таъминоти) корхоналари ҳам шаҳарлар ҳудудидан тортилган бўлиб, Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари таркибига ўтказилаётган ҳудудларга ушбу корхоналар томонидан хизмат кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарларида аҳоли жуда зич жойлашганлиги боис шаҳарларни ривожлантириш, уларнинг ҳудудини янада кенгайтириш каби муаммоли масалаларни юзага чиқармоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги Қонунга асосан Фарғона вилоятининг юқорида қайд этилган туман ва шаҳарлари чегараларини ўзгартириш таклифи илгари сурилмоқда.

Таъкидланганидек, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Данғара ва Учкўприк туманларидан жами 2,6 минг гектар ер майдони Қўқон шаҳри таркибига, Фарғона, Қўштепа ва Тошлоқ туманларидан жами 1,1 минг гектар ер майдони Марғилон шаҳри таркибига, Фарғона туманидан 812 гектар ер майдони Фарғона шаҳри таркибига ўтказилмоқда.

Бунда ушбу шаҳарлар ҳудуди таркибига қўшимча киритилаётган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қарашли 1 673 гектар ер вақтинча қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёрида қолиши ва ушбу ерларни қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларидан бошқа мақсадлар учун ажратиш шаҳарлар бош режа лойиҳаси, босқичма-босқич Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган.

Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари чегараларининг ўзгартирилиши вилоятда замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизими янада ривожланишига ва энг асосийси, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, туманлардан шаҳарларга ўтказилаётган аҳолининг уй-жой кадастр ҳужжатлари ва пропискасини қайта расмийлаштириш талаб этилади. Бунда кадастр ҳужжатлари ва пропискани расмийлаштиришда фуқаролардан қўшимча маблағлар талаб этилмайди.

Муҳокама этилган масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар ялпи мажлис давомида 13 та масалани, шу жумладан, 5 та қонунни кўриб чиқдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА КУЧ БЕРИШИ КУТИЛАЁТГАН МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича куч бериши кутилаётган бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.*

## Фикр

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

### Бандлик — муаммолар ечимида муҳим омил



— Кейинги йилларда юртимизда аҳолининг бандлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Негаки, аҳолини иш билан таъминлаш ҳисобига жамиятдаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш мумкин. Мисол учун, меҳнат билан банд одамнинг оиласи тўкин бўлади, мамлакатда камбағаллик қисқаради ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари ўз-ўзидан камаяди, муҳими, жамиятда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суради. Бу омиллар, пировардида мамлакатнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ялпи мажлис давомида сенаторлар томонидан Навоий ва Самарқанд вилоятларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Маълум бўлишича, ушбу вилоятларда "Ҳоким ёрдамчиси", "Ёшлар етакчиси" ва "Хотин-қизлар фаоли" тизимидан самарали фойдаланиш ҳисобига ишсизликни камайтириш борасида муайян натижага эришилган. Масалан, қарийб 120 минг ишсизларга меҳнат органлари томонидан бандлик хизматлари кўрсатилган ҳамда 31 минг фуқаро бўш иш ўринларига жойлаштирилган. Айни чоғда Навоийда 39,8 минг ва Самарқандда 88,9 минг фуқаро 70 та фаолият йўналишида ўзини ўзи банд қилган. Шуларга мос равишда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш чоралари кўрилган.

Аммо, айтиш жоизки, ҳар иккала вилоятда ҳам бу борада камчиликлар йўқ эмас. Хусусан, Сенат Кенгаши қарорлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилган. Камига, соҳа ва тармоқларда яратиладиган иш ўринлари ва уларнинг манзилли рўйхати, тадбиркорлик фаолияти учун ажратиладиган субсидиялар ва режалаштирилган меҳнат ярмаркалари тўғрисидаги ахборотлар ҳокимликлар веб-сайтларига жойлаштирилмаган. Энг ёмони, муайян иш ўринлари бошқа рўйхатларда такрор қайд этилган.

Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан мутасаддиларга бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқ ҳамда тавсиялар берилди ва ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилди.

Ишонамизки, биргаликдаги шу каби саъй-ҳаракатларимиз жойларда янги иш ўринларини яратишда қўл келади.

**Қобул ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

### Бюджет маблағлари қандай сарфланмоқда?

— Бюджет маблағларининг ўз ўрнида ишлатилиши белгиланган вазифалар бажарилишига ва пировард натижада юртимиз тараққиётига хизмат қилиши оддий ҳақиқат. Шу туфайли ҳам ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярим йиллиги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди.



Эътироф этилганидек, жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларга қарамасдан ҳисобот даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши таъминланди. Мамлакатимизда амалга оширилган самарали фискал ва монетар сиёсат боис ЯИМ ҳажми жорий нархларда қарийб 390 триллион сўмга етиб, иқтисодий ўсиш ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,4 фоизни ташкил этгани бунинг ёрқин мисолидир. Шу билан бирга, Давлат бюджети даромадлари 92,6 триллион сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 17,8 триллион сўмга кўпайди, деганидир.

Гап бюджет маблағларининг сарфланиши ҳақида боракан, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, белгиланган прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланилиши борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам айтиш зарур. Қолаверса, Давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатлари ижросини таъминлашда, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали ҳамда мақсадли фойдаланишда айрим камчиликларга йўл қўйилган.

Сенаторлар томонидан шу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ишонамизки, бу йилнинг қолган қисми давомида ишни тўғри ташкил қилишда асқатади.

**Санобар СУЯРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

### Электрон тижоратнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда

— Халқимиз орасида "Бир ёмоннинг бир яхшиси бор", деган нақл юради. Агар чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, бунинг замирида бугунги кун учун ҳам алоқадор бўлган ҳақиқатни илғаб оламиз. Гап кейинги йилларда пандемия боис дунё иқтисодиётида кузатилаётган бўҳрон ва қийинчиликлар билан бирга, янги йўналишларнинг ривожланаётгани ҳақида бормоқда.

Дарҳақиқат, пандемия дунёдаги барча давлатларнинг иқтисодиётига жиддий зарба берди. Айни чоғда у муайян соҳаларнинг ривожланиши учун турткибергани ҳам рад этиб бўлмайди. Масалан, дунё аҳолисининг электрон тижоратга бўлган талаби сезиларли даражада ошди ва натижада онлайн савдо қилиш тизими тобора ўсиб бормоқда. Биргина 2020 йилда электрон тижорат савдо ҳажми Хитойда — 24,9, Жанубий Кореяда — 25,9, АҚШда — 14, Сингапурда 11,7 фоизга ошгани ҳолда, Ўзбекистонда 80 фоизга ўсгани қувонарлидир, албатта.



Бундай ижобий ҳолатлар соҳанинг қонунчилик асосларини замонга мос ҳолда такомиллаштиришни талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли. Ялпи мажлисда кўрилган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун ана шу ҳаётий зарурат меваси бўлди.

Амалдаги қонун 2015 йилда қабул қилинган бўлиб, унда соҳа ривожи учун етарлича шарт-шароит ва меъёрлар кўзда тутилмаган. Хусусан, барча электрон тижорат субъектлари тўлиқ қамраб олинмаган. Бу эса электрон тижоратга оид ҳужжатларни алмашиш, тўлов механизмлари ва товарларни қайтариш масалаларида муайян қийинчилик ва тушунмовчиликларни юзага келтирмоқда.

Янги таҳрирдаги қонун "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда электрон шартномаларни тузишнинг аниқ тартиби белгиланяпти. Хусусан, электрон ҳужжатларнинг юридик кучи, офертага қўйиладиган талаблар, электрон ҳужжатларни сақлаш хусусиятлари, электрон битимни амалга ошириш тартиби ҳамда электрон шартномаларни тузиш шартлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилаётир.

Ҳозирдан айтишимиз мумкинки, бу қонун яқин келажакда шаффоф ва очиқ ҳолда сотувчи ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:**

### «Ишончли учинчи тараф хизмати»

— Охирги ўн йилликда дунё тараққиёти ниҳоятда тезлашди. Хусусан, интернет ёрдамида бир пайтлар ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган даражада тезликка эришдик. Бугун дунёнинг исталган бурчаги билан бир зумда боғланиб, юмушларимизни бажаришга одатланяпмиз. Борган сари интернет орқали масофадан (онлайн) хизматлар кўрсатиш ривожланяпти. Масалан, электрон рақамли имзодан фойдаланиш тобора оммалашмоқда.



Бу 2003 йилда қабул қилинган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонунни замон талаби асосида такомиллаштиришни кун тартибига олиб чиқди.

Эътиборлиси, янги таҳрирда Австралия, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тажрибаси асосида юридик шахсларга электрон рақамли имзодан фойдаланишга рухсат этилмоқда.

Шунингдек, қонунда электрон рақамли имзодан фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техник ва бошқа шарт-шароитлар яратиш, электрон рақамли имзони талаб қиладиган виртуал хизматлар турларининг очиқлиги ва сифатини таъминлаш, мажбурий техник талаблар, нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, электрон рақамли имзодан фойдаланишга оид илмий-техник тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш каби долзарб масалалар қамраб олинмоқда.

Қонуннинг афзалликлари хусусида сўз борганда, фойдаланувчиларнинг доимий равишда ўзи билан маълумот ташувчи қурилмалар (флешка)ни олиб юришига ҳожат қолмаслиги, аксинча "булутли технологиялар"да электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш зарур.

Қолаверса, қонунда рўйхатга олиш маркази фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш амалиёти жорий этилади. Электрон рақамли имзолар калитлари эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам шу қонун билан мустаҳкамланаётир.

Ўз навбатида, қонунда яна бир янгилик, яъни "Ишончли учинчи тараф хизмати" назарда тутилаётганлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Ушбу хизмат ахборот ва электрон ҳужжатларни алмашиш пайтида электрон рақамли имзонинг имзо қўяётган шахсга тегишли эканлигини аниқлаш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу сабабларга кўра мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

**«Халқ сўзи».**



# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

1

### Алоҳида-алоҳида овоз бериш тартиби белгиланмоқда

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси 3 та моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжат бўйича қоида тариқасида, унинг номига, муқаддимасига ҳамда ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида овоз берилиши тартиби белгиланмоқда.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунларнинг асосий мақсадини ойдинлаштирувчи кириш қисмини парламент вакиллари муҳокамасидан ўтказиш тартибини очиб бериши баробарида, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини содда тилда кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилади.

Мажлисда ҳужжат лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди ва уларга атрофлича жавоблар олинган ҳолда, мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизими жорий этилади

"Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А. Иноқовнинг жавоби атрофлича муҳокама қилинди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, жорий йилнинг 7 ойи мобайнида республика бўйича Тиббий-ижтимоий эксперт комиссия (ТИЭК)лари моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 1 343 млрд. сўмлик оргтехника, мебель жиҳозлари ва бошқа асосий воситалар билан таъминланди. Бугунги кунда агентлик тизимида жами 880 ўринли 12 та, жумладан, 200 ўринли Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда 680 ўринли 11 та ҳудудий Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари фаолият юритмоқда.

Сўнгги беш йилда ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишда сезиларли ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, ҳар йили марказларда тиббий-ижтимоий реабилитация тадбирларини оладиган ногиронлиги бўлган шахслар 20 фоизга кўпайиб, 22 минг нафарни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соҳани ривожлантириш мақсадида келгусида 2024 йилга қадар 9 та ҳудудий Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларининг койка-ўринлар сонини 50 ўриндан 100 ўринга ошириш, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг ўринлар сонини 200 ўриндан 300 ўринга кўтариш, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ҳар бири 100 ўринли ҳудудий Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Таъкидланишича, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларнинг сони ва ҳудуддаги масофани эътиборга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида иккитадан, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида биттадан педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ташкил этилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотлари, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор мурожаат қилишни таъминлаш мақсадида алоқадор вазирлик ва идоралардан маълумотлар ҳамда улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар олиниб, электрон ахборот тизимига жойлаштирилмоқда. 2023 йил 1 январдан эса барча ҳудудда "Тиббий-ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизими жорий этилади.

Мажлисда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А. Иноқовнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

### 23 та қонун лойиҳаси учун асослантирилган 51 таклиф

Мажлисда Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2022 йил ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар сиёсати ва улар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Бугунги кунда комиссия ўз олдига қўйилган устувор вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган 23 та қонун лойиҳаси юзасидан асослантирилган 51 таклиф тайёрланди. Қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичидан хабардорлигини ошириш масалаларига бағишланган турли ўқув-семинар ва конференциялар ўтказилди.

Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан доимий равишда депутатлар ўз сайлов округларидаги фаолияти давомида "ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз йигит-қизларнинг муаммоларини бартараф этиш мақсадида улар билан очиқ мулоқотлар ташкил қилинди.

Шунинг баробарида, комиссиянинг 2022 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"да назарда тутилган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар фарзандлари билан тизимли ва самарали ишлаш механизмларини йўлга қўйиш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган таклифлари ишлаб чиқилди ҳамда тегишли тартибда масъул идора ва ташкилотларга тақдим этилди.

Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси М. Валиевнинг таъкидлашича, комиссиянинг фаолияти очиқлик ва ошкораликка асосланади. Шунга кўра, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг натижалари, ташкил этилган семинар ва давра суҳбатлари тўғрисида ОАВда комиссия аъзолари томонидан доимий равишда чиқишлар қилиб келинмоқда.

Мажлисда амалга оширилган ишлар эътироф қилиниб, Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг ўтган давр мобайнидаги фаолиятида айрим масалаларга етарлича эътибор қаратилмагани қайд этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси М. Валиевнинг комиссиянинг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Нуқтаи назар

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР, ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР



*Президентимизнинг ҳар бир чиқиши халқимизда, жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Юртбошимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи ҳам кенг кўламлилиги, чуқур таҳлилу таққосларга бойлиги билан, ШҲТнинг Самарқанд саммити олдидан ташкилотнинг истиқболдаги устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берувчи муҳим концептуал ҳужжат сифатида ажралиб туради.*

2021 йил 16 сентябрь куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитда ушбу нуфузли ташкилотга 2021-2022 йилларда Ўзбекистон раислик қилиши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Шу қисқа даврда ташкилот катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мазкур тузилма 2001 йилда очилган бўлса, ҳозирга келиб унга аъзо давлатлар салмоғи ортди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган саммити сўнгги йилларда ги Евроосиё минтақасидаги энг йирик халқаро сиёсий форумлардан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, саммитда ШҲТ аъзолари — Евроосиё минтақаси давлатлари раҳбарлари сўнгги уч йилда биринчи марта бир жойга тўпланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатилган пандемия пайтидаги ҳолат ҳаммамизга маълум. Мамлакатлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, айниқса, вакцина масаласида ўзаро қўллаб-қувватлови инсониятни янада катта ва мудҳишроқ кулфатлардан асради. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, амалга оширган оқилона саъй-ҳаракатлари халқимизни эҳтимолий инқироздан беталафот олиб ўтди.

Юртбошимизнинг мақоласида ШҲТга аъзо барча давлатлар — энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиз эканлиги, ташкилотга раислик улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида, ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш борасида бизга яхши имкониятлар бергани қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ШҲТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ШҲТнинг Самарқанд саммити ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича долзарб келишувлар билан тарихда қолиши, шубҳасиз. Энг муҳими, умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив шериклик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўлади.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

*Бугун Самарқанд ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи саналаётган ШҲТга аъзо давлатлар фаровонлиги ва равнақига хизмат қилувчи саммит мезбонлигига тайёр. Бу анжуманда минтақада энг катта нуфузга эга давлатлар раҳбарлари пандемиядан сўнг илк бор бир стол атрофига тўпланиб, ечимини кутаётган глобал муаммолар билан бирга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилади.*



Самарқанд саммити Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихий солномасидан муҳим ўрин эгаллайди ва ташкилот ривожини янги босқичга олиб чиқади. Қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Саммитнинг асосий мақсадларидан бири — “ШҲТ оиласи”ни янада кенгайтириш масаласидир. Чунки Давлат раҳбарлари кенгаши доирасида ШҲТга аъзолик мақомини олиш учун Эрон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши кутиляпти.

Шунингдек, ШҲТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши, ШҲТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШҲТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди.

Президентимизнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида келтирилганидек, ШҲТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Шу нуқтаи назардан, ШҲТнинг Самарқанд саммити ана шу қарашларни ифода этиб, сайёрамиз тинчлиги ва хавфсизлиги, дунё мамлакатлари тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилишига ишончимиз комил. Зотан, бўлажак саммит нафақат ШҲТ учун муҳим воқеа бўлади, балки ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚАТЪИЙ КАФОЛАТЛАНГАН ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ФАОЛИЯТ

*Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дунёнинг энг нуфузли ва жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга тузилмага айланди. Бундай ишончга эришишда ушбу ташкилотга аъзо давлатлар тенг манфаатли ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Ўз навбатида, бу, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро сиёсий ва иқтисодий ришталарни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтиришга кенг имконият яратди.*



ШҲТнинг жозибаси унинг ишончли ва ортга қайтмас ҳамкорлик асосидаги қатъий кафолатланган очиқ ва шаффоф фаолиятида намоён. Шунингдек, ташкилот турли блоклардан холи мақомга эга эканлиги, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиши, ички ишларига аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслигидадир.

Айни чоғда ушбу мақсадларни қўллаб-қувватлаган кўплаб давлатлар унга аъзо бўлиш истагини билдираётгани бежиз эмас. Чунки бугун ШҲТ жуғрофий жиҳатдан улкан маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган дунёдаги энг йирик тузилмага айланди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун ташкилот глобаллашув жараёнида дунёда ҳамда минтақада юзага келаётган турли муаммоларни, яъни қуролли можаролар орқали тинчликнинг бузилиши, энергияга бўлган эҳтиёжнинг кундан-кунга ошиб бориши, озиқ-овқат хавфсизлиги, сув ресурслари танқислигининг ортиши каби масалаларни ҳамкорлик асосида муваффақиятли ҳал этишга кенг майдон яратиб беради.

Бугунги кунда ШҲТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса мазкур минтақавий ташкилот дунёнинг барқарор ривожланишига қўшаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолатдир.

Президентимизнинг юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида ҳам саммитни Самарқанд шаҳрида муваффақиятли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Самарқанд саммитининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда 15 та давлат раҳбарлари қатнашади. Бинобарин, ушбу саммит Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

ШҲТнинг Самарқанд саммити ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида, энг аввало, ўзаро ишонч, тенглик, хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, шунингдек, глобал муаммоларни биргаликда ҳал этишни ўз ичига қамраб олган муваффақиятли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Наврўзбек ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

*Бугунги кунда шиддатли геосиёсий ва иқтисодий янгиланишлар юз бераётган дунёда ривожланиш салоҳияти ҳамда тараққиёт ўчоғи яна Шарқ томон силжимоқда. Дунёнинг турли давлатлари ва нуфузли халқаро тузилмаларнинг ШҲТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқиши ортмоқда.*



Чунки тарихан қисқа давр ичида ШҲТ нуфузли халқаро ташкилот сифатида жаҳонда мустаҳкам ўрин эгаллади ва унинг самарали фаолияти фақат аъзо давлатлардагина эмас, балки барча минтақаларда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунга келиб, ШҲТ ҳамжамияти 34 миллион км² майдонни, яъни Евроосиёнинг 60 фоизини қамраб олган, катта ҳажмдаги қазилма бойликлар ва иқтисодий ресурсларни ўзида жам қилган улкан макондир. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг сони 3,5 миллиардни, яъни дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси, кўп томонли ва барча учун манфаатли ҳамкорликни илгари суриши унинг халқаро тузилма сифатидаги жозибадорлигини ошириб бормоқда.

Айниқса, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даврида ташкилот фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўлди ва унинг жозибадорлиги янада ошди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Уларда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтиришга, ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга, ривожланишнинг янги йўлларини излашга асосий эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий шерикликни чуқурлаштириш ШҲТнинг устувор йўналишларидан бири, деб ҳисобланса-да, ташкилотга асос солинган вақтдан бошлаб ўтган йиллар давомида ушбу йўналишга етарли эътибор қаратилмасдан келинаётган эди. Мисол учун аъзо давлатларнинг ташқи савдо айланмаси 7,5 триллион долларни ташкил қилган бир вақтда, улар ўртасидаги савдо айланмаси 750 миллион долларлик кўрсаткичда бўлган холос.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг икки томонлама шаклдан кўп томонлама кўринишга олиб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши минтақада ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация масалаларини ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу транспорт йўлаклари Марказий Осиё давлатларини энг йирик дунё бозорларига олиб борувчи қисқа йўналиш ҳисобланиши билан бирга, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Айниқса, Трансафғон коридорининг қурилиши ШҲТ маконининг ажралмас қисми саналадиган, йиллар давомида нотинчлик ҳукм сурган Афғонистонни ривожлантиришда жуда муҳимдир. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб, оқилона олиб бораётган сиёсати Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига, уни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажара олишга қодир ривожланган давлат бўлишига, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига кўмаклашишга, ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида эришган ютуқлари шахсан Президентимизнинг халқаро майдондаги юксак обрўси ва машаққатли меҳнатининг натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказиладиган Самарқанд саммити Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди. Ишонамизки, ушбу саммит ШҲТ тарихида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиб қолади.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

РЕКЛАМА

NBU

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Жамият номи:** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

**Жойлашган жойи:** 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Электрон почта манзиллари:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

**Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:** 2022 йил 30 сентябрь, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана:** 2022 йил 26 сентябрь.

**Кун тартибига киритилган масалалар:**

**1.** “Ўзмиллийбанк” АЖнинг 2022 йил I-ярим йиллик бўйича ташқи аудит ҳисоботини тасдиқлаш;

**2.** 2022 йил I-ярим йиллик якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш;

**3.** Банкнинг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

**4.** Устав капиталини ошириш;

**5.** Банк Уставига ўзгартириш киритиш;

**6.** Аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида 2022 йил якунлари бўйича йиллик акциядорларининг йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш;

**7.** Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш;

**8.** Тафтиш комиссияси фаолияти тугатилганлиги сабабли банкнинг ташкилий тузилмасига (структурасига) ўзгартириш киритиш.

## Биз ва жаҳон

*Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегация қўшни Тожикистоннинг Суғд вилоятига ташриф буюрди. Ташриф доирасида икки қардош юрт вакиллари иштирокида маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Шунингдек, икки вилоят тадбиркорларининг бизнес форуми ўтказилди.*

# ФАРҒОНА ВА СУҒД ВИЛОЯТЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРИ ИШТИРОКИДА БИЗНЕС ФОРУМИ

Дастлаб Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида фарғоналик ва суғдлик тадбиркорларнинг юзма-юз мулоқоти ҳамда ҳар икки вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди. Унда Фарғона вилоятидан борган 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари кенг ассортиментдаги маҳсулотлари билан қатнашди. Икки ҳудуднинг инвестициявий, экспорт ва туризм салоҳиятини намоён этувчи тақдимотлар ўтказилди.

Шундан сўнг Фарғона ва Суғд вилоятлари тадбиркорлари ўртасида эришилган келишувларни имзолаш маросими ташкил этилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада яхшилаш бўйича умумий қиймати 19 миллион доллар бўлган 11 та ҳужжат тасдиқланди.

Фарғоналик тадбиркорлар Суғд вилоятида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Хўжанд ва Бўстон шаҳарларида бўш турган бино-иншоотларни жойига чиққан ҳолда ўрганишди. Ўзаро алоқаларни янги босқичда ривожлантириш мақсадида “Ҳаракатлар режаси”ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

— Икки тилда сўзлашувчи бир халқ дея аталадиган ўзбеклар ва тожиклар азалдан қон-қардош бўлиб яшаб келган, бир дарёдан сув ичган, борди-келди қилган, — деди тадбирда сўзга чиққан риштонлик машҳур кулол Равшанбек Тожиддинов. — Халқларимиз ўртасида янги босқичда ривожланаётган бу каби дўстона алоқалар амалий мазмун билан бойиб бораётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бизнес форумида корхонамизда тайёрланадиган кулолчилик маҳсулотларини қўшни давлатга экспорт қилиш борасида янги келишувларга эришилди. Маҳсулотларимиз юқори сифати, харидорлар талабига жавоб бериши билан ҳамкорларимизга манзур бўлганидан мамнунмиз.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА



# «Artel» компанияси Эгизбулоқликларга олти турдаги техникалар совға қилди

*Жорий йилнинг 20 апрель куни кучли ёғингарчилик натижасида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Эгизбулоқ маҳалласида сел кузатилиб, бир қанча хонадонлар жиддий зарар кўрган эди. Бирдамликка ўрганган саховатпеша инсонлар юртимизнинг турли ҳудудларидан ёрдамга ошиқди. Жумладан, бу жараёндан “Artel” компанияси ҳам четда қолмади.*



Куни кеча Эгизбулоқ маҳалласида барпо этилган 28 хонадон эгаларига “Artel” компаниясининг саховат карвони етиб борди. Ҳар бир хонадон эгаларига компаниянинг махсус сертификати, яъни 6 маҳсулотдан иборат маиший техника тўпламлари совға қилинди. Хусусан, тўплам — совиткич, газ плитаси, кир ювиш машинаси, телевизор, чангютгич ва дазмолни ўз ичига олган.

Тадбирда Фориш тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдуманнон Саидхонов, туман “Нуронийлар” жамоатчилик кенгаши раиси Холмат Маматов ҳамда “Artel” компанияси раҳбарияти вакиллари ҳам қатнашди. Жумладан, компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бўйича департамент директори Лазизбек Маматов аҳолини шинам ва кўркам, замонавий қурилган уйлар билан қутлаб, уларга компания совғаларини топширди.

— Халқимиз азалдан бирдам, жипсдир. Синовли кунларда бу фазилатлар янада яққол намоён бўлади. Табиий офатдан зарар кўрган Фориш туманида бунёд этилган уй-жойларнинг мисолида ҳам давлат идоралари, ташкилот ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг бирдамлигини, аҳолини бевосита қўллаб-қувватлаганини кўриш мумкин, — деди Лазизбек Маматов. — Бу жараён жаҳон тажрибасида корпоратив ижтимоий масъулият — ташкилот ва корхоналарнинг даромад олиши билан бирга, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши, дейилади. Компаниямиз хайрия ишлари билан мунтазам шуғулланиб келган. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли турмуш тарзининг енгиллашишида кўмак бериш, қолаверса, илм-фан, спорт, китобхонлик ва бир қанча ижтимоий кўмак жараёнида камарбаста бўлишни ўз олдига мақсад қилган. Бугунги хайрияларимиз ҳам оилаларнинг янги уйларига тўёнадир.

Тадбирда меҳнат фахрийлари Зулайҳо Пардаева ва Сафар Соибов сўзга чиқиб, саховат ишларида ўз кўмагини аямаган инсонларга миннатдорлик билдирди. Тадбир сўнгида “Artel” компанияси жамоаси аъзолари маиший техника воситаларини ўз эгаларига топширишди.

Эслатиб ўтамиз, “Artel” Марказий Осиёнинг энг йирик маиший техника ва электроника ишлаб чиқарувчи корхонаси ҳисобланади. Компания ўз фаолиятини 2011 йилда газ плиталарини ишлаб чиқаришдан бошлаган. Бугунги кунда компания кўплаб турдаги маиший техникаларни ишлаб чиқармоқда.

**«Artel» компанияси матбуот хизмати.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6